БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 168 (1688)
24 АВГУСТ ЧОРШАНБА 1960 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Руминия халқига табриклар

КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва СССР Олий Совети Президиумининг раиси Л. И. Брежнев Руминиянинг фашизмдан озод этилганига 16 йил тўлиши муносабати билан Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Георге Георгиу-Деж, Руминия Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Стойка Киву, Руминия Халқ Республикаси Буюк миллат мажлиси Президиумининг раиси Йон Георге Маурерга телеграмма юбордилар. Телеграммада румин халқининг миллий байрами муносабати билан унга совет халқининг самимий табриклари йўлланилади.

«Совет кишилари, дейилади телеграммада, — қардош румин халқининг ютуқларидан бутун қалблари билан қувонадилар ва унга социализм қурилишида янгидан-янги муваффақиятлар тилайдилар».

* * *

СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико Руминиянинг фашизмдан озод этилганлигининг 16 йиллиги муносабати билан Руминия Халқ Республикаси Ташқи ишлар министри Аврам Буначиугга табрик телеграммаси юборди. (ТАСС).

СОВЕТ ФАНИ, ТЕХНИКАСИ ВА САНОАТИНИНГ ОЛАМШУМУЛ ҒАЛАБАСИ

☆ ☆

Космик йўлдош—кемани вужудга келтиришда, уни жониворлар билан учириш ва ерга қайтариб туширишда қатнашган олимлар, инженерлар, техниклар, ишчиларга, барча ходимлар коллективига

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети кучли космик кемани вужудга келтирган ва ана шу кемани тарихда биринчи марта жониворлар билан учирган ҳамда муваффақиятли суратда ерга қайтариб туширишни амалга оширган олимлар, конструкторлар, инженерлар, техниклар, ишчиларни, барча ходимлар коллективини қизғин табриклайдилар.

4600 килограмм оғирликдаги жуда катта космик кеманинг жониворлар билан муваффақиятли учишини ва унинг ерга қайтариб туширилишини амалга ошириш учун мураккаб илмий ва техника проблемаларини ҳал этиш талаб қилинди. Бу проблемаларнинг ҳал этилиши:

—бошқариладиган космик кеманинг учирилишини ва унинг белгиланган жойга жуда аниқ келиб тушишини;

— космик учишда жониворларнинг нормал ҳаёт фаолияти учун керакли шарт-шароитни;

— космик кема билан радио ва телевидение орқали пухта алоқа қилиб туришни таъминлади.

Ана шу буюк муваффақият совет кишиларининг илм соҳасидаги ажойиб зафари, Ватанимиз фани, техникаси ва саноатининг тантанаси, жаҳон фани ва маданияти ҳазинасига қўшилган, космосни ўзлаштиришда янги давр очадиган буюк ҳиссадир. Эндиликда одамнинг космик фазога учиши учун амалий имконият вужудга келтирилмоқда.

Азиз ўртоқлар! Сизлар шонли ишларингиз билан социализм мамлакатининг фан ва техника соҳасидаги ютуқларини, куч ва қудратини, социалистик тузумнинг шубҳасиз афзаллигини, улуғ совет халқининг ижодий гейнисини бутун дунёга яна бир марта намойиш қилиб кўрсатдингиз. Сизларнинг янги буюк муваффақиятларга эришувингизни чин кўнгилдан тилаймиз.

Ленинчи Коммунистик партиянинг доно раҳбарлигида коммунизм қурилишида янгидан-янги ғалабалар сари олға бораётган улуғ социалистик Ватанимизнинг шуҳратини ўз меҳнати билан ошираётган совет олимларига, конструкторларига, инженерларига, техникларига ва ишчиларига шон-шарафлар бўлсин!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ПРОГРАММАСИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИЛДИ

ТАСС ахбороти

Космик кеманинг „пассажирлари“ ҳақида тафсилотлар

Тарихда биринчи марта космик фазога учишдан қайтиб келган ҳайвонлар 1960 йил 21 августда Москвага келтирилди.

Иккинчи совет космик йўлдош-кемада «Стрелка» ва «Белка» деган итлар учирилганлиги тўғрисида хабар бериб ўтилган эди. Кемада улардан ташқари, радиациянинг ва космосда учиш шароитининг таъсирини ўрганиш учун бошқа жониворлар — 40 та сичқон, 2 та каламуш, ҳашаротлар, ўсимликлар, бошоқли ўсимликлар уруғи ва баъзи микроблар ҳам бор эди.

Йўлдош-кеманинг кабинасида лабораторияга қарашли 13 та оқ ва 15 та қора сичқон ҳамда иккита оқ каламуш учирилди. Катапультлаштирилган контейнерда «Белка» ва «Стрелка»дан ташқари 6 та оқ ва 6 та қора сичқон, 15 колбага солинган дрозофил ҳашаротлари, 2 колбада традесканция ўсимликлари, суспензия ҳолидаги суюқ озиқ берувчи муҳитдаги 8 ампулада ва эгри агара устига қўйилган 4 ампулада хлорелла ўсимлиги, 14 ампулада замбуруғ ўсимликлари — актиномицетлар, маккажўхори, ҳар хил сортли буғдой, нўхат, шёз ва нигелла (чернавка) уруғлари бор эди.

Бундан ташқари, контейнерга киши ва қуён терисининг кичик участкалари 2 ампулага солиб қўйилган, 6 ампулада хелл рақ хужайралари, микроблар: 11 ампулада «КК — 12» ичак микроби, 6 ампулада «В» ичак микроби, 4 ампулада «аэрогенес» типидаги ичак микроби, 2 ампулада ёғ-кислота ачитиш микроби, 2 ампулада стафилококклар, 6 ампулада дезоксинуклеин кислотаси, 3 ампулада «Т.2» бактериофаги, ҳамда 3 ампулада 13 — 21 бактериофаги қўйилган эди.

Илмий тадқиқотлар ўтказиш учун космик кема бортига қуйидаги аппаратлар ўрнатилган эди:

— дастлабки космик нурланишдаги енгил ва оғир ядроларни тадқиқ қилиш учун;

— Қуёшнинг рентген ва ультра фиолет нурланишини тадқиқ қилиш учун;

— Жониворлар турган контейнерда космик радиация даражасини (миқдорини) қайд қилиш учун.

Кемада қалин қатламли ядро фотоэмульсияларидан ясалган жамъи 60 килограммга яқин оғирликдаги блоклар жойлаштирилиб, шу билан бирга фотоэмульсион блоклардан бирида бевосита кема бортида фотоэмульсиялар ҳосил қилиш кўзда тутилган эди.

Илмий ахборотлар рўйхат қилиниб, командага мувофиқ Ерга берилиб турди. Бунда рўйхат қилинган ахборот кема Ер атрофини айланиб чиққан сайин, шунингдек қўниш олдидан Ерга юборилиб турди.

Бундан ташқари, Ерга тушиш жараёнида тажриба қилинувчи жониворларнинг физиологик хусусиятларининг ўзгариши бортдаги рўйхат қилиш автоном система ёрдами билан тўхтовсиз қайд қилинди.

Ядро фотоэмульсиялик блоклар ва илмий тадқиқотлар учун тайинланган ҳамма аппаратлар кема бортида Ерга қайтариб туширилди.

Йўлдош-кемага ўрнатилган телевизион система кинофильмлар тариқасида суратга олинган қўпгина қимматли информация берди. Суратга олиш ғоят аниқ равишда телеметрик информация ёзувлари билан синхронизация қилинди, бу эса жониворлар устидан олиб борилган бевосита кузатишларни уларнинг физиологик функцияларининг ўзгариши ҳақида телеметрик система ёрдами билан Ерга юборилган объектив маълумотлар билан таққослаш имкониятини беради.

Иккинчи совет космик йўлдош-кемаси орбитасининг элементларини қўшимча суратда ҳисоблаб чиқиш унинг бутун вақт давомида мўлжалланган орбитага жуда яқин бўлган орбитада учганлигини тасдиқлади.

Космик кеманинг ҳаракатига ва тушишига таъсир кўрсатувчи ҳар хил факторларнинг аниқ ҳисобга олинганлиги, унинг орбитаси элементларини ўлчаш натижаларининг электрон-ҳисоб машиналарида узлуксиз ишлаб чиқилганлиги ва унинг ўзгаришлари ҳисобга олинганлиги, бундан олдин хабар қилинганича, кеманинг жуда аниқ қўнишини таъминлашга имкон берди.

Космик кема ва ундан катапульта ёрдами билан ажралган контейнер Ерга тушиш вақтида ва қўнгандан кейин кемадаги ва контейнердаги махсус радиопередатчиклар радио-сигналлар бериб турди. Бу эса кеманинг ва контейнернинг қаерда бўлганлигини тўхтовсиз аниқлашга ҳамда то қўнган жойга қадар кузатиб беришга имкон берди. Ҳамма жониворлар в биологик объектларнинг аҳволи яхши.

Илмий тадқиқотлар ва ўлчовлар программаси бажарилди. Олинган маълумотлар ҳозирги вақтда ишлаб чиқилмоқда ва ҳар томонлама ўрганилмоқда.

1 миллион 100 минг тонна силос бостирамиз

☆ ☆

Гулистонда силос тайёрлаш пайсалга солинмоқда

Бу йил Гулистон райони 114 минг тонна силос бостириш мажбуриятини олган. Бу иш узоғи билан 1 сентябргача тугалланиши керак эди. Бироқ, 19 августгача район хўжаликларида 25.505 тонна силос бостирилди. Ўҳам қоғозда тўпланган маълумот. Аслида тайёрланган силос бундан ҳам оз. Фикримизнинг исботи учун мисол келтирамиз.

«Мирзачўл» совхози 9 минг тонна силос тайёрлаши керак. Бу совхозда кейинги 3—4 кун ичида қилинган иш таҳлил қилиб кўрилса, жуда чигал бир аҳволга дуч келинади. Совхоз раҳбарлари, 15 августгача 774 тонна силос тайёрладик, деб районга маълумот бердилар. Кейинроқ улар ўз кўзбўямачиликларидан уялдиларми ёки сир очилиб қолишидан қўрқдиларми, ҳарҳолда орадан икки кун ўтгач, яна 730 тонна силос бостиридик деб районга хабар юбордилар. Демак, 15 августдан 18 августгача бўлган муддат ичида совхозда силос кўпайиш ўрнига 47 тонна камайган. Бироқ, орадан бир кун ўтгач, яъни 18 август куни совхозда 370 тонна (бир кунда!) силос «бостирилипти». Бу факт кишини жуда хайрон қолдиради. Чунки, хўжаликда битта ҳам маккажўхори қирқадиган агрегат ишлаётгани йўқ. Комбайн ўрган маккажўхори пояси бор-йўғи 5—6 автомашина билан силос бостириладиган чуқурга ташилмоқда. Бошқа хеч қандай транспорт бу ишга қатнашмаётир. Шундай экан, 5—6 машина 370 тонна силосни ташиб улгуриши мумкинми? Мутлақо мумкин эмас! Кўриниб турибдики, совхоз раҳбарлари ёлғон маълумот бериб, кўз бўямачилик қилган. Аслида 19 августгача бу хўжаликда маълумотда кўрсатилганидек, 1.100 эмас, балки кўпи билан 340 тонна силос бостирилган. Мана, совхозда силос бостиришдек муҳим ишга қандай муносабатда бўляптилар!

Крупская номли колхоз раҳбарлари ёлғонни рост қилиб кўрсатишда «Мирзачўл» совхози раҳбарларини йўлда қолдириб кетадилар. Бунга ҳам далилимиз бор. 10 августда бу колхозда тайёрланган силос қайтадан ўлчаб кўрилди. Шунда, 1.825 тонна деб кўрсатилган силос 630 тонна бўлиб чиқди. Колхоз раҳбарлари, хусусан раис ўртоқ Хасан Турсунқулов бундан ўзига хулоса чиқариб олмадилар. Нинадай ишни туядай қилиб кўрсатиш давом эттаберди. Ҳозир бу колхоздагилар 19 августгача 2.205 тонна силос бостирдик деб мақтанмоқдалар. Бироқ, тайёрланган силос бир тонна ҳам чиқмади. Холбуки, июлхоз 6 минг тонна силос тайёрлаши керак. Бундай мисолларни районнинг «Гулистон», «Социализм» совхозларидан, Сталин номли, Ленин номли ва «Коммуна» колхозларидан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Районда иккинчи марта маккажўхори экиш ҳам пайсалга солинмоқда. Жъами 2.270 гектардан ортиқроқ ерга маккажўхори экилиши лозим. Ҳозиргача фақат 430 гектар ерга маккажўхори экилди. Агар қайта маккажўхори экишга ва силос бостиришга мана шундай муносабатда бўлинса, давлатга гўшт, сут сотиш соҳасида ўтган йилги йўл қўйилган камчиликлар бу йил ҳам такрорланади. Буни шундан кўриш мумкинки, 1960 йилнинг ўтган 7 ойида 1959 йилнинг 7 ойидагига нисбатан ҳарбир сигирдан 110 литрдан кам сут согиб олинди. Августнинг дастлабки 20 кунлигида ҳам сигирлардан согиб олинган сут кескин камайиб кетди. Район раҳбарлари бу аҳволдан ўзларига тегишли хулоса чиқармаётирлар. Силос бостириш эндигина 22—23 процент бажарилганлигига қарамасдан бу ишда фақат 6 та маккажўхори қирқувчи агрегат ва 20 та комбайн қатнашмоқда. Буларнинг ҳи унуми ҳам ниҳоятда паст. Агар суръат ҳозиргидек давом этаберса, силос тайёрлаш мажбуриятини бажариш учун яна 2-2 ярим ой керак бўлади. Гулистонлик ўртоқлар шу ҳақда жиддий ўйлаб кўрсинлар. Пуч ёнғоққа қўйин тўлдирмасинлар.

С. СУЛТОНОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Улар космосда бўлдилар...

Журналистлар 22 августда космосда бўлиб. Ерга эсон-омон ва сог-саломат қайтиб келган тажриба қилинувчи жониворларни ўз кўзлари билан кўриш имкониятига эга бўлдилар. Кўламини ҳатто тўла-тўкис ифодалаш қийин бўлган ниҳоят катта ҳодисанинг шоҳиди бўлдик! Космик кема космосга учирилган «ер» жониворларини жаҳонда биринчи марта Ерга қайтариб туширди.

Мана, тантана сабабчилари пайдо бўлади: хонага ёрқин қизил ва яшил ёпиқлар ёпилган икки итни олиб киришади. Булар — «Стрелка» ва «Белка» бўлиб, улар ўтган шанба куни космоснинг поёнсиз бўшлиқларини кезиб юришган эди. Космосда бўлган бошқа хил тажриба қилинувчи жониворлар солинган контейнерларни ҳам олиб киришади. Контейнернинг тўр товидан оқ ва қора сичқонлар, оқ каламуш кўриниб турибди. Шиша идишда ўсимликнинг ингичка пояси бор, унга космос шароитлари таъсир этмаганидек: ўсимлик у ерда ҳам осойишта гуллай берган.

Сўнгра СССР Фанлар академиясининг илмий ходими космосдаги медикобиологик тажрибанинг асосий хусусиятлари ҳақида ҳикоя қилди.

— Биз, — деди у, — тарихий аҳамиятга эга бўлган ниҳоятда қизиқ ҳодисанинг шоҳиди бўлиб турибмиз. Гап шундаки, ҳозирга қадар ўтказиб келинаётган экспериментлар, тажрибалар замонамизни космосни чинакам эгаллаш даврига айлантирмоқда.

Булар орасида медикобиологик масалаларнинг ҳал этилиши катта ўрин тутади. Бунинг сабаби тушунарли. Чунки космик фазони эгаллаш пировард босқичда бу фазони одамнинг эгаллаши билан тугайди.

Лайка лақабли ит биринчи космик учишга чиқарилган 1957 йил ҳаммангизнинг ёдингизда. Лекин у вақтда ҳайвонларни Ерга қайтаришнинг техника имкониятлари йўқ эди. Ҳозир бу масала асосан ҳал этилгандир.

— Мана, ўша ҳайвонлар — Стрелка ва Белка, — дейди олим, тинчгина ўтирган итларни кўрсатиб, — Улар космосга учиб, сўнг Ерга қайтиб келдилар.

Икки итдан ташқари, учишда каламуш ва сичқонлар ҳам қатнашди.

— Кўриб турибсизки,— деб тушунтиради олим,— лаборатория сичқонларн икки хил: оқ ва қора сичқонлардир. Мана шу гуруҳдаги қора сичқонлар тирик организмларнинг ирсий хусусиятларининг ўзгариши билан боғлиқ ҳар қандай тадқиқотлар учун айниқса қулайдир. Бундан ташқари, баъзи бир ўзгаришлар космик радиация билан ҳам вужудга келтирилади. Масалан, космик таъсиротлар бўлган бўлса, орадан бирқанча вақт ўтгандан кейин мана шу сичқонларнинг терисида оқ жун пайдо бўлади.

Умумий биологик аҳамиятга эга бўлган бир қанча тадқиқотлар учун кема бортига икки ўсимлик жойлаштирилган эди. Олим ўсимлик солинган идишни кўрсатар экан, унинг тубида космик фазода учган бир парча тупроқ турганлигига эътиборни жалб этди. У, бутун учиш вақтида ўсимликларнинг гуллашда давом этганлигини таъкидлаб ўтди.

Сўнгра пластигласдан қилинган икки қутича кўрсатилди. Қутичалар ичида майда мева пашшалари бор эди. Пашшалар наслга ирсий хусусиятларни бериш нуқтаи назаридан яхши текширилган. Бу ердаги барча пашшалар эркак пашшалар бўлиб, уларнинг бундан кейинги насли синчиклаб ўрганилади.

Кема бортида микроскопик замбуруғлар ва бир қанча бошқа кўзга кўринмас организмлар бўлганлиги илгари матбуотда хабар қилинган эди. Бу жониворлар ҳозир лабораторияда текширилмоқда. Мен ўйлайманки, деб ҳикоя қилди олим, бир оз вақтдан сўнг уларга космос қандай таъсир этганлиги тўғрисида гапириш мумкин бўлар.

Олим итларнинг ёши, зоти ҳақида берилган саволга жавоб қайтарар экан, улар ҳақида аниқ паспорт маълумотларини билмаслигини айтди. Бироқ, бу итлар қатъий бир зотдан эмас. Биз одатда ана шундай итлардан фойдаланамиз, чунки улар шу хил тажрибаларни ўтказиш учун жуда бардошли бўлди. Бу хил итлар ғоят идрокли бўлиб, мўминдир.

Ҳайвонлар бир ярим йилдан бери бизнинг қўлимизда турибди. «Стрелка» бир ярим-икки ёшда, «Белка»нинг ёши эса икки ёшдан сал ошди.

Дарҳақиқат, итлар ниҳоятда мўмин эди.

— Ҳатто, улар учун ғайри табиий ҳисобланилган мана шу учрашув шароитида ҳам, — дейди олим, — улар етарлича тинч турибдилар.

Шу оснода итлар хонада тўпланганларга дўстона, ҳатто қувноқлик билан қараб турибдилар. — Ҳайвонлар навбатдаги тажриба бошланаётир деб ўйлаяптилар,— деди олим. Улар чинакамига ишлашга одатланганлар.

Савол: Итлар нима билан овқатланади, улар нимани яхши кўради?

Жавоб: Биз уларни икки хил рационда боқамиз. Биринчиси — одатдаги боқиш. Кунига икки марта овқат—турли бўтқа гўшт билан аралаштириб берилади ва сувни эса истаганча ичадилар. Учишдан аввал итлар қатъий режимга ўтказилди. Уларга муайян вақт давомида колорияси яна ҳам кўпроқ бўлган озуқани дурда ҳолатида берилди. Ҳайвонлар одам иштирокисиз махсус автоматик қурилма ёрдамида овқатланишга ўргатилди. Бундай қурилмалар итларга овқатни ҳар суткада икки марта бериб турди.

Савол: Итларга нега ёпиқ ёпилган?

Жавоб: Ҳайвонларнинг танасига юрак токларини қайд қилишга имкон берувчи махсус датчиклар кўникгирилган. Ана шу датчикларни тасодифан туширб юбормаслик учун ҳайвонларга шундай кийим кийдирилган. Итлар фазога махсус космик кийимда учирилди.

Савол: Ҳайвонлар учиш пайтида ўзларини қандай тутганликлари тўғрисида нима дейиш мумкин?

Жавоб: Иккала ҳайвон ҳам ўзларини тинч тутдилар, деган фикрдамиз. Итларнинг активлиги ошган пайтлар ҳам бўлди, албатта. Ракета орбитага чиқаётганида ҳайвонлар ўргатилган бўлишига қарамай, уларнинг ҳатти-ҳаракати анча бетинч бўлди. Биз бу хулосани ҳайвонларнинг ҳатти-ҳаракатини телевизор орқали кузатиш натижасида олинган ва махсус датчик берган дастлабки маълумотларга асосланиб чиқардик. Вазн йўқотиш шароитларида ҳайвонларнинг ҳаракат активлиги бирмунча кўтарилган пайтлар бўлди. Бунга сабаб шуки, биз телевизор камерасини пшга туширганимизда ёруғликни кучайтирардик, бунинг натижасида ҳайвонлар турган камера исиб, бу ҳол ҳайвонларнинг ҳаракат активлигини бироз оширган.

Савол: Бу итларнинг бундан аввал учирилган итлардан фарқи борми?

Жавоб: йўқ. Ракеталар вертикалтик ҳолатга учирилганда унинг ичидаги итлар бошқа хил итларга қараганда ҳийла қизиққонли хулқ-атворга ва характерга эга бўлиши мумкин. Йўлдош-кемада космосга учган ҳайвонларга янада юқори талаблар қўйилди: улар янги ғайри оддий шароитларга ва узоқ муддатли кузатишга чидаш бермоги керак эди.

«Белка»нинг оғирлиги 4900 грамм ва «Стрелка»ники эса 5500 граммдир.

Шу билан журналистларнинг олимлар билан учрашуви тугайди. (ТАСС).

Дадил қадам

Ер орбитасига иккинчи совет космик йўлдош-кемасининг муваффақиятли учирилиши олимларимизнинг чинакам буюк илмий тадқиқотидир. Ҳа, бу кашфиёт фақат техникамиз соҳасида қўлга киритилган катта ютуқ бўлибгина қолмай, айни вақтда илғор совет биология фанида ҳам олға ташланган дадил қадамдир.

Космик кемада учирилган жониворларнинг Ерга соғ-саломат қайтиб келиши биология фани соҳасидаги муҳим илмий тажриба бўлди. Совет биологлари бу тадқиқотга «Физиология космоси» фанининг янги ютуғидир деб юксак баҳо бермоқдалар. Чунки, бу самарали иш космос шароитида одамнинг ҳаёт фаолиятини, шунингдек унинг учиши ва Ерга қайтиб келиши хавфсизлигини таъминлайдиган системаларни тағин ҳам пухтароқ ишлаб чиқиш имконини беради.

Ҳайвонлар устидан олиб борилган тажрибалар биология фани олдида турган энг муҳим проблемаларни ҳам илмий, ҳам практик ҳал қилишга кенг йўл очади.

А. ЮНУСОВ.
биология фанлари доктори.

Фурсат яқин!

Инсоният тарихида биринчи марта жонли мавжудот космосга «саёҳат» қилиб, тирик қайтиб тушди! Бу хушхабар кимни қувонтирмайди дейсиз. Олимларимиз совет фани хилма-хил ажойибларни ихтиро қилишга қодир эканликларини кўрсатдилар. Офарин, уларга!

Эндиликда, бизнинг замонамизда афсоналар ҳақиқатга айланиб бормоқда. Ҳеч шубҳа йўққи, космосга биринчи марта чиқадиган ҳам совет кишиси бўлади. Олимларимиз бунга замин яратмоқдалар. Совет кишиси улкан ҳаво кемасида саёҳат қилиб космосга чиқадиган ва коинотнинг «сир»ларини ўз кўзи билан кўриб, муваффақиятли равишда Ерга қайтиб тушадиган кунлар узоқ эмас, фурсат яқин!

Назира ИЎЛДОШЕВА.
Сирдарё районидаги Ленин номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Сиз қанча силос бостирдингиз?

(23 августгача бўлган маълумот, процент ҳисобида).

Районларнинг номи	Мажбуриятнинг бажарилиши	Районларнинг номи	Мажбуриятнинг бажарилиши
Юқори Чирчиқ	81,2	Пискент	30,8
Қуйи Чирчиқ	60,4	Чиноз	30,6
Янгиер шаҳри	48,4	Оржоникидзе	29,4
Ўрта Чирчиқ	45,5	Гулистон	28,9
Бекобод	42,1	Бўстонлиқ	25,6
Оққўрғон	39,9	Калинин	22,0
Сирдарё	39,8	Олмалиқ шаҳри	11,8
Янгийўл	38,0		
Бўка	37,8		
Оҳангарон шаҳри	33,8	Область бўйича	40,6



«Крупнопанельжилстрой» трестининг коллективи пойтахт меҳнаткашларига йирик панеллардан йиғилган уй-жой бинолари қуриб беришдек шарафли ишга бел боғлаган. Бунга ёш бинокор инженер Воҳид Шукуров дарёдан томчи бўлса ҳамки, ҳиссасини қўшиб келаётир. Аҳил бинокорлар меҳнаткашларга кетма-кет кўп қаватли турар-жой бинолаирини тортиқ қилмоқдалар. Суратда: бинокор инженер ўртоқ В. Шукуров. И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ТЕХНИКАНИ ЯНАДА ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРАЙЛИК

☆ ☆ ☆

СЎЗ — ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАТНАШЧИСИГА

ПАРТИЯ БИЗНИ ЯНГИ ҒАЛАБАЛАРГА ЧОРЛАМОҚДА

КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қатнашчуси, «Ташсельмаш» заводининг токари Аъзам РЎЗМАТОВ ҳикояси

<>

Менга, оддий бир совет ишчисига шонли Коммунистик партиямизнинг Марказий Комитети июль Пленумида қатнашиш бахти муяссар бўлди. Пленум давом этган тўрт кун менинг хотирамда бир умрга ўчмас из қолдирди.

Пленумга мингдан ортиқ киши келган эди. Улуг давримизнинг улуғ тарихини яратаётган ана шу кишиларни партиямиз муҳим масала юзасидан — қандай қилиб ва қайси йўл билан коммунизмнинг моддий-техника базасини тезроқ қуриш масаласи юзасидан маслаҳатлашгани чақирган эди.

Пленумда фақат қўлга киритилган ютуқлар, қилинган ишлар ҳақидагина гапириб қолинмасдан, балки асосий диққат-эътибор халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги жуда катта резервлардан қандай қилиб янада унумлироқ фойдаланиш масаласига қаратилди. Бу соҳада имкониятларимиз битмас-туганмас эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Партиямиз Марказий Комитетининг Пленуми ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш — социалистик ишлаб чиқаришни бундан кейин ҳам зўр бериб, юксалтиришнинг энг асосий ва ҳал қилувчи шарти эканлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатди. Нотиқлар бу соҳада илғари қараб силжишимизга тўсқинлик қилаётган камчиликлар ҳақида, уларни тугатиш йўллари тўғрисида гапирдилар. Мен нотиқларнинг сўзларини тинглар эканман, ўз қадрдон заводим тўғрисида, ундаги ҳали фойдаланилмаётган резервлар ҳақида ўйладим. Ахир айтишга осон, шу етти йиллик мобайнида биз мамлакатимиздаги пахтакор хўжаликлар учун 46 мингта терим машинаси тайёрлаб беришимиз лозим. Пахтачиликни комплекс механизациялашнинг асосий звеноси — йиғим-теримни машиналаштириш биздан шуни талаб қилмоқда.

Заводимиз коллективи партия Марказий Комитети Пленумининг тарихий қарорларига амалий иш билан жавоб бериш ва пахтачиликнинг техника даражасини тағин ҳам юқори кўтариш мақсадида йилига терим агрегатлари ишлаб чиқаришни 10 мингтагача етказишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйди. Ҳозир ишларимиз ёмон кетаётгани йўқ. Ярим йиллик ва етти ойлик топшириқни муддатидан илгари бажардик. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Ишчиларимиз, инженер-техник ходимларимиз партиямиз кўрсатган йўлдан — техникани тараққий эттириш йўлидан илгари бориб, янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Коллективимиз ишлаб чиқараётган «ХВС-1,2» машинаси бир мавсумнинг ўзидаёқ пахтакорларимизнинг меҳр-муҳаббатини қозонди. Машина ундоқ, машина бундоқ, деб унга тўғричилик қилган айрим қолоқ кайфиятдаги хўжалик раҳбарлари ҳам эндиликда: бизга машина беринг, демоқдалар. Бу, албатта, бизнинг коллектив учун жуда катта шарафдир. Биз бунга терим агрегатларини янада такомиллаштириш, дастлаввал уларнинг вазнини камайтириш, агротехника кўрсаткичларини яхшилаш билан жавоб беришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Ҳозирги пайтда механик-ҳайдовчилар, РТС ишчилари ва мутахассисларининг таклиф ва истаклари асосида бу соҳада катта ишлар олиб борилмоқда.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг таннархини камайтириш ва сифатини яхшилаш йўлида бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилаётир. Чунончи, корхонадаги барча цехлар ихтисослаштирилади, поток линиялар сони кўпайди, конвейерларнинг умумий узунлиги эса бир ярим баравар ошди. Эскирган ускуналарнинг иш унумдорлигини ошириш учун коллективимиз уни модернизацияламоқда. Шуниси қувончлики, заводимиз ишчилари ва инженер-техник ходимлари ўз кучлари билан 45 та махсус агрегат станокларнинг лойиҳасини яратди ва уларни тайёрлади. Бу агрегатлар эндиликда юзларча универсал ускуналарнинг ишини бажараётир. Заводимиз Совет Иттифоқида биринчилар қаторида ўз кучи билан юкларни белгиланган жойга элтиб берувчи осма конвейерларнинг лойиҳасини яратди ва уни қуриб, фойдаланишга топширди.

Лекин олдимизда янада катта вазифалар турибди. Партиямиз бизни янги ғалабаларга чорламоқда. Бу йил коллективимиз плиндан ташқари 530 та пахта териш машинаси тайёрлаб бериши лозим. Бу вазифа ҳар биримиздан ишлаб чиқаришни кун сайин такомиллаштириш, ишимизга тўсқинлик қилаётган камчиликларни чидам ва сабот билан тугатишни талаб қилади. Бундай камчиликлар, очигини айтганда, кам эмас. Мавжуд ускуналардан яхши фойдаланаётирмиз, деб бўлмайди. Тайёрлов цехларидаги оғир ва кўп меҳнат талаб қилувчи ишларни механизациялаш соҳасида ҳали деярлик ҳеч қандай иш қилинаётгани йўқ.

Партиямиз Марказий Комитети Пленуми партия, совет ва хўжалик органлари саноат ҳамда транспортни ривожланиш суръатларини тезлаштириш учун курашда катта тажриба орттирдилар, деб кўрсатиб ўтди. Эндиликда ҳамма гап ана шу тажрибадан фойдаланган ҳолда янги техникани яратиш ва уни жорий қилиш соҳасидаги ишларни янада такомиллаштиришда, янгиликларни изчиллик билан қўллаб-қувватлашда, камчиликларни қатъият билан тугатишда қолган. Қолоқ участкаларни илғор участкалар даражасига етказиб олиш — кўрсаткичларимизни тинмай яхшилаб боришнинг энг муҳим резервидир.

Заводимиз партия ташкилоти ва бугун коммунистлар Пленумдан сўнг ўз ишларини қайта қуриб олмоқдалар. Ҳозир корхонанинг барча ишлаб чиқариш участкаларида меҳнат активлиги ва сиёсий кўтаринкилиги кун сайин ошмоқда. Ўзим ишлаётган асбобсозлик цехи коллективини мисолга келтира қолай. Пленум қарорларидан бениҳоя руҳланган коллективимиз барча ишлаб чиқариш участкаларини етарли миқдорда турли хил асбоблар, штамплар ва юқори унумли мосламалар билан доимо узлуксиз таъминлаб туриш учун зўр гайрат билан меҳнат қилмоқда. Буни шундан ҳам кўрса бўладики, цехимиз корхонадаги ёрдамчи цехлар ўртасидаги мусобақада бешинчи мартга ғолиб чиқди. Шунинг учун унга «Энг яхши цех» деган шарафли ном берилди.

Бошқа цех коллективлари ҳам Пленум қарорларига амалий иш билан жавоб бериш мақсадида янги-янги резервларни қидириб топмоқдалар ва ишга солмоқдалар. Чунончи, қуювчилар тайёрланиши қийин бўлган бир қанча деталларни машиналар ёрдамида ишлаб чиқаришга кўчирдилар. Натижа кутгандан ҳам аъло бўлди: меҳнат унумдорлиги уч баравар ошди. Темирчилик-пресс цехида эса бўяш-қуритиш бўлими ташкил этилди. Эндиликда бу ерда тайёрланган ҳамма деталь ва узеллар бевосита йиғув участкасига узатилаверади. Илғор корхоналарнинг тажрибаси асосида қурилган қуритиш камераси ишимиз унумини икки ҳисса оширди. 5- механика цехида пахта териш машиналарининг 10 та деталига ишлов бериш автомат ва ярим автомат усулига кўчирилди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Лекин бир нарса сувдан тиниқ, ойнадан равшан: КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг тарихий қарорлари билан қуролланган заводимиз коллективи техникани тараққий эттириш йўлида янгидан-янги ютуқларни қўлга киритади.

Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ!

Суҳбатни Г. ДЕМИДОВ ёзиб олди.

Қўл меҳнати барҳам топсин!

Санайберсанг камчилик кўп

Завод директори Турсунов ҳам, бош инженер Кропаткина ҳам «ишни қониқмаком қилаётирмиз, кунлик ва ойлик планларни бопламоқда бажараётирмиз» деб, мақтанишгани-мақтанишган.

— Заводда кўпгина ишлар машиналаштирилган бўлса керак? Бу савол ҳуш келмади шекилли, инженер:

— Ҳм, ҳалиги, механизациялаш масаласи ҳаммамизнинг диққатимизда. Бу нарсага бефарқ қараб бўлади дейсизми? — деди эшитилар-эшитилмас..

Мана, заводни тебратиб турган азаматлар — ишчан аёллар, новқирон йигитлар, суяги меҳнат билан қотган кексалар. Бири ҳовуздаги ҳўл толаларни судраб чиқаётир, бири толани навларга ажратса, бири тойланганларини юмалатиб кетаётир.

Ҳўш, план қайси йўл билан бажарилмоқда? Қўл меҳнати йўқотилганми? КПСС Марказий Комитети июль Пленумидан кейин иш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш бўйича тадбирлар белгиландими? Йўқ.

«Касални яширсанг, иситмаси ошкора қилади». Раҳбарларнинг техника тараққиёти учун бош қотиришга қунт қилмаётганлари ҳақиқий аҳвол билан танишганимизда аён бўлди қолди.

Толани навларга ажратиш ва пресслаш цехига яқинлашганимизда ишчиларнинг «бир, икки, олдик», «бир, икки, олдик» деган овозини эшитдик. Булар сарой ичида тойларни тахлаётган Қулмамед Мавлютов, Анатолий Конев ва Виктор Шилинлар экан. Камида 150 килограмм келадиган юкни 3 — 4 метр баландликка қўл билан кўтариш енгил иш эмасда!

— Шу омборга битта транспортер ўрнатиш аниқонинг уруғига айтилган эди, — деди куйиниб ишчи Конев.

— Буниси ҳали ҳолва, — гапга аралашди прессловчи Қулмамед. — Мана бу «РП—2» — номигагина машина.

Пресслаш жараёнини кузатдик. машина бункери қўл кучи билан тўлдирилди. Бир киши уни тепкилаб босиб турди, сим ҳам қўлда ўралди. Хўш, бунинг нимаси механизация?

— Шу ишларни автоматлаштирсаларинг бўлмайдими? ,— сўрадик цех бошлиғи Раиса Рафиковадан.

— Қайдам, бошлиқларга бир неча марта айтгандик, барибир бўлмаяпти ,— мужмал жавоб берди у.

Заводда бор техникадан унумли фойдаланиш, уни эҳтиёт қилишга ҳам етарли эътибор берилмайди. Тойни боғлаш учун сим қирқиб берувчи машинанинг тишлари синганига бир неча кун бўлди. Аммо бу на бош механик В. Косачевни, на слесарь С. Ковалевни ташвишлантиради.

Тола намлаш цехидаги «ТММ—200 К» маркали машинада 17 киши ишлаётир. Улардан олти киши ҳўл ва оғир толаларни машинанинг транспортерига тинмай ташлаб туради. Ишчи Анна Бавбекова эса машинадан чиқиб турган толаларни қўлда прессга узатади.

— Машина билан пресс ўртасига лентали транспортер ўрнатилса, ишимиз енгиллашар, унум ҳам ортар эди, — дейди А. Бавбекова.

1959 йилнинг бошларида «МПЛ-14» маркали тола ажратувчи машина синаб кўрилди. Унинг «ТММ-200 К» машинасига нисбатан афзалликлари кўп. Негадир у машина икки йилдан бери ишлатилмаётир.

Б. МИРЗААҲМЕДОВ.
Гул жут-каноп заводи.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"
2-БЕТ, 24 АВГУСТ, 1960 ЙИЛ.

Совет Ўзбекистонида



Фарғона областидаги Қувасой цемент заводи технология линиясини реконструкция қилиш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилди. Энди корхона аввалгига қарағанда уч баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқаради. Суратда: цемент заводи технология линияси участкаларидан бири.

В. Сироткин фотоси.

Ёқилғи кўпаяди

Отвал хўжалигининг торлиги ёқилғи қазиб чиқазишни кўпайтиришга ҳалақит бера бошлади. Бу аҳволни бартараф қилиш учун янги отвал хўжаликлари ташкил этиш зарур бўлиб қолди. Кўп қидиришлардан сўнг Қурама тоғ тизмаларининг орасига жойлашган катта кенглик топилди ва бу кенгликни отвал хўжалиги айлантириш фикри туғилди. Аммо унга борадиган йўлнинг йўқлиги ишни анча мушкуллаштириб қўйди.

Бу ерда «Узбекшахтострой» трестининг бинокорлари кончиларга ёрдамга келдилар. Тажрибали ишчи ўртоқ Халилов бошчилигидаги портлатувчилар бригадаси енг шимариб ишга тушиб кетишди. Экскаваторчилардан Лукьянов, Федоров, Маляка, Бурин, шоферлардан Ким, Шкудин ўртоқлар ва бошқалар ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатдилар. Отвал хўжалиги қисқа бир муддат ичида тайёрланди. Бу, «Узбекшахтострой» трести бинокорларининг катта ғалабасидир. Отвални ишга тушириш кўмир ва кон усти жинсларини ташишда автомобиллардан фойдаланишга имкон беради.

«Стройгазмонтаж» бошқармаси 2-участкасининг бошлиғи ўртоқ Андреев, — ҳар куни 200 метрга яқин қувурни пайванд қилмоқда. Моҳир пайвандчи Александр Варава шу кунларда янада баракали ишлаётир. У смена топшириқларини 180—200 процентдан кам бажармайди. Суратда: ўртоқ А. Варава.

А. Абалян фотоси.



Мўл ҳосил учун

Косонсой, (Фарғона области), (ЎзТАГ). «Кукумбой» совхозининг пахта далаларидаги ҳар бир туп ғўзада етти-тўққизтадан салмоқли кўсак, кўп шона ва гуллар бор. Лекин совхоз пахтакорлари ғўза парваришини тўхтатмасдан давом эттирмоқдалар. Далаларда ишлаётган «универсал»лар қатор ораларини юмшатмоқда. Илгари ривожланишдан кеч қолган ғўзаларга шарбат суви берилаётир.

Ғўза парвариши билан бирга йиғим-теримга актив тайёргарлик кўрилмоқда. Бу йил ҳамма майдонлар ярмидан кўпроқ қисмидаги ҳосилни машинада териш мўлжалланади. Механизаторлар пахта терадиган 30 машинани ремонтдан чиқардилар. Йўллар, кириш йўллари ва тош-тарози тузатилмоқда, хирмонлар жиҳозланмоқда. Совхоз ишчилари ўртасида давлатга 9 минг тонна «оқ олтин» сотиш учун социалистик мусобақа авж олдирилди.

Пахта териш машиналарининг ҳайдовчиларидан Эргаш Икромов, Матмулла Мирзаев ва бошқалар бу йил 250 тоннадан пахта теришга ваъда бердилар.

Маккажўхори кетидан оқжўхори

ЯНГИАРИҚ. (Хоразм области), (ЎзТАГ). Жданов номли колхозда Иброҳим Жабборов бошлиқ бригада 163 гектарлик майдондан қарийб 15.000 тонна миқдорида думбул сўтали поя йиғиб олди. «Ўзбекистон», Наримонов номли, Охунбобоев номли колхоз аъзолари гектарига минг центнердан кўк поя етиштирдилар.

Маккажўхори йиғиб олинган далаларга оқжўхори экилмоқда. Мутахассисларнинг мўлжалларига кўра, 500 гектар оқжўхорининг ҳар гектаридан 200 центнер кўк озуқа олинса керак. Экилган далаларда оқжўхори қийғос униб чиқди.

Терим техникаси тахт қилиб қўйилган

БУХОРО, (ЎзТАГ). Қабул комиссияси «Рометон» совхозининг механизаторларига пахта териш машиналарининг мавсумга тайёр эканлиги тўғрисида ўттиз бешта гувоҳнома берди. Ремонт-техника базасининг ҳовлисидан охирги агрегат чиқарилди.

Бу йил областнинг ана шу йирик пахтачилик хўжалигида механизаторлар уч минг гектардан кўпроқ майдондаги ҳосилни машинада теришга қарор қилдилар. Бу эса ўтган йилдагига нисбатан икки баравардан ҳам зиёддир. Совхоз маъмурияти машина терими учун участкалар ажратиб, уларни экипажларга биркитиб қўйган. Ҳозир механик-ҳайдовчилар далалар билан танишмоқдалар, пахтачилик бригадаларининг ишчилари билан биргаликда машинанинг ишлаши учун яхши шароит яратмоқдалар.

Ҳайдовчилар ўртасида теримда юқори меҳнат унуми учун социалистик мусобақа авж олди. Механизаторлардан Раҳмат Йўлдошев ва Гулсара Зулаева ўзаро биринчи шартнома тузиб, мавсум давомида камида 150 тоннадан пахта териш мажбуриятини олдилар.

Донгдор маккажўхорикор тўғрисида ҳикоя

«Очил Мўминов бригадасининг иш тажрибаси» номли брошюра босилиб чиқди. Брошюрани Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган агроном Г. И. Солянко ва республика қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг аспиранти Н. Носировлар ёзган. Очил Мўминов — Бухоро область, Шофирикон районидаги Сталин номли колхознинг донгдор маккажўхорикори. У Ўзбекистон қишлоқ ёшларининг «дала маликаси»дан мўл ҳосил етиштириш йўлидаги оммавий ҳаракатини бошлаб берди.

Бу бригада ўтган йил 50 гектар ернинг ҳар гектаридан думбуллигида йиғиб олинган сўтаси билан 1.126 центнер кўк поя олди. Бу эса колхозга 1958 йилдагига нисбатан икки баравардан ҳам зиёд силос бостириш имконини берди. Брошюрада аҳил коллективнинг иш методлари ҳақида, асосан, яқинда ўзлаштирилган ерлардаги экинларни моҳирлик билан парвариш қилиб, юқори ҳосил олаётганлиги тўғрисида ҳикоя қилинади.

Бу йил ёш ташаббускорлар маккажўхори майдонини 80 гектар кенгайтирдилар. Биринчи ҳосилдан ҳозирдаёқ гектарига бутун ўтган йилдагидан кўпроқ сўтали кўк поя олинди. Иккинчи ҳосил гектарига камида 800 центнерни ташкил этади. Шундай қилиб, бир майдоннинг ўзида мавсум давомида гектарига 1.700 центнердан кўпроқ кўк поя олинади.

Авторлар таъкидлайдиларки, агар республикадаги барча маккажўхорикор бригадалар А. Мўминов бригадаси ҳосилнинг лоақал ярмисига тенг ҳосил етиштирганларида ҳам ҳозирги вақтда Ўзбекистонда маккажўхори билан банд бўлган ерлардан қарийб 100 минг гектар майдонни пахта етиштириш учун бемалол бўшатиб бериш мумкин бўлади.

Бу китобча СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида, шунингдек Ўзбекистоннинг колхоз ва совхозларида тарқатиш учун тайинланган. (ЎзТАГ).

Машина-экскаватор станцияларининг қайта ташкил қилиниши

НУКУС, (ЎзТАГ). Қорақалпоғистонда машина-экскаватор станцияларини қайта ташкил қилинди. Республикада бу станциялар базасида йирик ишлаб чиқариш ташкилотлари тузилди. Бу ташкилотларнинг ихтиёрида ер қазиш техникаси, шунингдек қурилиш техникаси ҳам бўлади.

Шу вақтгача республикада сув хўжалик қурилиши билан тўртта машина экскаватор станцияси ва еттита қурилиш участкаси шуғулланиб келган эди. Гарчи булар «Узводстрой» системасига қарашли бўлсалар ҳам, маблағ ва механизмлар кўп жойларга сочилиб, ирригация-мелиорация тармоқларини комплекс равишда олиб бориш имконияти йўқ эди. Бу эса қурилишни қимматлаштириб, унинг муддатлари кечиктирилишига сабаб бўлиб келган эди.

Эндиликда республикада тўртта қурилиш-монтаж бошқармаси — Қўнғирот, Тўрткўл, Тахиатош ва Чимбой бошқармалари ташкил этилди.

Меҳнат сарфлаш икки баравар камайди

ҲАЗОРАСП, (Хоразм области). (ЎзТАГ). Ҳазорасп районидаги Карл Маркс номли колхознинг далаларида бундан беш йил аввалгига нисбатан уч баравар кўпроқ чопиқ тракторлари ишламоқда. Техниканинг кўплиги хўжаликка пахта етиштиришни комплекс механизациялашга тамомила ўтиш имкониятини берди.

Кўклам пайтида бу ерда олтита трактор-далачилик бригадаси ташкил этилди. Булардан ҳар қайсисига 120-150 гектардан ер биркитиб қўйилди. Бригадаларда машиналардан фойдаланишнинг технологик карталари ишлаб чиқилди, қанча меҳнат сарфланиши белгилаб қўйилди. Бригадалар технологик карталарга қаттиқ амал қилиб, етти ой ичида пахта майдонининг ҳар гектарига ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки баравар камроқ меҳнат сарфладилар. Бундан тежалган маблағ 200 минг сўмдан ортди.

Колхоз трактор паркидан тўғри фойдаланиш туфайли 887 гектардан иборат бутун майдонда ғўза қатор ораларини икки марта қўшимча ишлаш имкониятига эга бўлди. Механизаторларнинг иш унуми анча ошди.

Теримда машиналардан кенг фойдаланиш мўлжалланади. Бунинг учун 300 гектар энг яхши пахта далалари ажратилган. Бешта пахта териш агрегати ишга тайёр қилиб қўйилган.

Босилмаган хабарлар изидан

Харидорлар талаби қондирилди

Олмалиқ шаҳар Тилов поселка советидаги 2-озиқ-овқат ва саноат моллари магазини харидорлар талабига жавоб бермайди. Бу ерда кўпинча рўзғор учун зарур бўлган нон, туз, шакар, гугурт, совун каби нарсалар топилмайди. Кийим-кечаклар ҳам аҳён-аҳёнда келтирилади. Шунинг учун меҳнаткашлар вақтларини беҳуда сарфлаб Олмалиқ, Тошкент шаҳарларига бориб, ўзлари учун зарур буюмларни харид қилишга мажбур бўлаётирлар, — деб ёзади «Оҳангарон» совхози ишчиси Е. Нурпенсов. Магазиннинг харидорларга ёмон хизмат қилаётгани «Олмалиқ ҳақиқати» газетасида ҳам танқид қилинган эди. Лекин шу кунгача ҳеч қандай ўзгариш йўқ.

Район матлубот жамияти поселка Советининг депутатлари иштирокида текшириш ўтказди. Текширишда хатда кўрсатилган камчиликлар тўғри эканлиги аниқланди, — деб ёзади Олмалиқ район матлубот жамиятининг раиси ўртоқ Маҳсудова. — Магазинга харидорлар талаб қилган рўзғорбоп буюмлар ва уст-бош, оёқ кийимлари етарли миқдорда келтирилмоқда.

Тошкент радио клуби аъзолари дунёнинг кўпгина бурчакларидаги радио ҳаваскорлари билан алоқа қилиб турадилар. Суратда: радистлар узоқдаги хамкасбларидан келган карточка-квитанциялар билан танишмоқдалар.

С. Чижиков фотоси.

Алоқа хизматига эътибор

(ХАТЛАРГА ОБЗОР)

Кейинги вақтда республикамиз пойтахтида, Мирзачўл, Янгиўл, Чирчиқ шаҳарларида меҳнаткашларга алоқа хизмати кўрсатиш бир мунча яхшиланди.

Лекин ҳамма ерда ҳам ана шундай эмас. Редакциямизга келган хабарларга қараганда бир қатор жойларда меҳнаткашларга алоқа хизмати кўрсатиш ёмон аҳволда.

Колхозчи **Ё. Ражабов**нинг редакцияга хабар қилишича Сирдарё районидаги Охунбобоев номли қишлоқ хўжалик артели аъзолари 1960 йил учун 30 минг сўмга яқин газета ва журналга обуна бўлишган. Кўпгина хонадон 3—4 та газета-журналга ёзилган. Лекин тайинли почтальоннинг йўқлиги орқасида кўп обуначилар газета-журналларни ўқий олмай сарсон бўлиб юрибдилар.

— Кейинги 2 ой ичида, — деб ёзади шу районлик обуначи ўртоқ **Н. Есиргапов**, — «Коммунизм» колхозида нима сабабдандир уч марта почтальон алмаштирилди. Лекин ҳали ҳам ёлғиганимиз йўқ, газета ва журналларимиз чойхона ва идорада «ўз эгаларини» топиб кетмоқда. Газеталарни уйма-уй юриб эгаларига топшириш бу ерда одат тусига кирмаган. Шунинг учун ҳам 3- ва 4-участкалардаги колхозчилар ҳафталаб газета ўқимайдилар.

У. Мирзадаев ва **А. Мирсандов** ўртоқларнинг хабар қилишича Гулистон районидаги «Ленинград», «Красная заря» колхозларида бир ойдан бери почтальон йўқ. Бу ерга газета-журналлар, хат ва пул переводлари келтириш ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Бундай фактни Оҳангаронда ҳам учратиш мумкин. Почтальонларнинг ёмон ишлашлари орқасида бу ерга келган хат ва корреспонденциялар 10 — 15 кундан кейин, ҳатто ундан ҳам кечикиб келтирилар экан. «Узбекуголь» комбинати инженери ўртоқ **П. Уколов**нинг шикоят қилишича Москва, Тошкентдан жўнатилган бондероллар жуда кечикиб келаётир. Шаҳар алоқа бўлими ходимларининг (бошлиғи А. Абдураҳмонов) масъулиятсизлиги орқасида бир муҳим бондероль 30 кундан кейин комбинатга келтириб берилган.

Маҳаллий партия, совет ташкилотлари алоқа ходимларига бўлган талабчанликни оширишлари ва уларни ишчан, ғайратли кадрлар билан мустаҳкамлаш чорасини кўришлари керак.



ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Ўқувчиларнинг меҳнат кўникмаларини ошириш ҳамда ўқув-тарбия ишларини яхшилашда мактабларда машғулотларни бир сменада олиб бориш катта аҳамиятга эгадир. Шу туфайли жамоатчиликнинг якиндан ёрдами билан мактабларни бир сменали машғулотларга кўчиришга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Гулистон райони халқ маорифи ходимлари ҳам бу соҳада бирмунча ишларни амалга оширдилар.

Ўтган ўқув йили райондаги 70 та мактабда машғулотлар бир сменада олиб борилди. Шуниси қувонарлики, бир сменали машғулотга ўтишнинг дастлабки йили бўлишига қарамай, бу мактабларда ўқув-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилди. Ўқувчиларнинг дарсларни ўзлаштиришлари ҳам, даромат ҳам кутилгандай бўлди.

Янги ўқув йилидан бошлаб аса райондаги мактабларнинг ҳаммаси бир сменали машғулотга ўтади. Бунинг учун район мактабларида қизғин тайёргарлик кўрилаётир. Жамоатчилик ёрдами билан қўшимча бинолар қуриш, маъмурий хўжаликлардаги ортиқча бино ва хоналарни мактаблар ихтиёрига ўтказишга жиддий эътибор берилмоқда. Бу ишда мактабларни ўз отаҳига олган колхоз ва совхозлар, саноат корхоналари ва муассасаларнинг ёрдами катта бўлаётир. Мактабларга оталик қилувчи ташкилотларнинг ёрдамида 134 бино сифатли ремонтдан чиқарилди. Тайёр бинодарни синф хоналарига мослаб қайта қуришда ҳам бир қатор муваффақиятга эришилди.

Райондаги 50 дан ортиқ мактаб биносининг капитал ремонти барвақт тугалланди. Сталин номли колхоз, «Мирзачўл» совхози ўз оталикларидаги мактабларни биринчи сентябрга ҳар томонлама тахт қилиб қўйди.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, райондаги бир қатор мактабларнинг раҳбарлари ва оталик ташкилотлари янги ўқув йилига суст тайёрланмоқдалар. Айримларида ремонт ишлари шу кунгача тамомланган эмас. Чунончи, 10- ўрта мактабда (директори ўртоқ И. Олломуродов) янги ўқув йилига деярлик тайёргарлик кўрилмаётир. Ремонт ишлари ҳам ўлда-жўлда бўлиб ётибди. Ана шу аҳвол билан мактабни бир сменага кўчириш асло мумкин эмас.

Мазкур мактабни ўз оталиғига олган Ленин номли колхоз правлениеси эса ремонт ишлари билан сира қизиқмай қўйди. Ўқув-материал базасининг мустаҳкамланишига, устахоналар қурилишига ҳам оталик ташкилоти бош-қош бўлмаётир.

Мактабларда қўнғироқ чалинишга саноқли кунлар қолди. Шунинг учун ҳам маориф ходимлари ва жамоатчилик олдида ҳар бир кундан унумли фойдаланиб, район мактабларида машғулотларни бир сменада олиб боришни таъминлаш вазифаси турибди.

С. НУРМАТОВ,
Гулистон район халқ маорифи бўлимининг мактаблар инспектори.

БИР СМЕНАГА

— Машғулотларнинг бир сменада олиб борилиши, — дейди Янгиўл районидаги Навоий номли мактабнинг директори ўртоқ К. Нуриддинов мухбиримиз билан суҳбатда, — ўқув-тарбия ишларини яхшилашда, ўқувчиларнинг жамоат фойдали меҳнатда актив қатнашувини таъминлашда жуда муҳим аҳамиятга эга. Энг муҳими, ўқув-тарбия ишларида узилиш бўлмайди, ўқувчилар билан дарсдан сўнг олиб бориладиган тадбирлар учун қулай имкониятлар яратилади.

Янги ўқув йилидан бошлаб мактабимизда ҳам машғулотлар бир сменада олиб борилади. Бунинг учун район халқ маорифи ходимлари, оталик ташкилотлари бизга катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Мактабимизни ўз оталигига олган райондаги пахта тозалаш, «Нормал» заводлари ва ремонт-қурилиш контораси коллективларининг яқиндан кўрсатаётган ёрдамларини алоҳида қайд қилиб ўтиш лозим. Чунончи, пахта тозалаш заводи (директори ўртоқ К. Содиқов) ўқув устахоналари ҳамда лабораторияларнинг сифатли ремонтдан чиқишига яқиндан кўмаклашди. «Нормал» заводи коллективининг ёрдами билан янги қурилган дурадгорлик устахонасининг ўсти ёпилди. Мактабимизга келтирилган токарлик станоги ҳам ана шу корхонанинг бизга қилган совғасидир.

Ота-оналар комитети ҳам ремонт ишларига актив қатнашди. Натижада мактаб биноси ва мавжуд инвентарлари сифатли ремонтдан чиқарилди. Физика, кимё лабораториялари кўргазмали ўқув қуроллари билан янада бойиди.

Лекин шуни очиқ айтиш керакки, бир сменага ўтиш муносабати билан бизда ўқув инвентарлари ҳали етарли эмас. Биринчи сентябргача яна парта, стол, стул, бир неча шкаф сотиб олишимиз керак.

Ишонамизки, оталик ташкилотлари мактабда ўқув инвентарларининг етарли бўлишини таъминлаш ишига ҳам қўлларидан келган ёрдамларини аямайдилар.

Маиший хизмат кўрсатиш яхшилансин

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тўғрисида партия ва ҳукуматимиз доимо катта ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Шу туфайли Тошкентда ҳам аҳолига маиший хизмат кўрсатиш сифати бирмунча яхшиланди, хизмат турлари ва маиший хизмат корхоналари тармоғи кенгайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг шу йил 23 апрелда «Ҳунармандчилик кооперациялари ва инвалидлар артелларини давлат корхоналарига айлантириш ҳақида» деб чиқарган қарори бу соҳада айниқса катта аҳамиятга эга бўлди.

1958 йил охирида Тошкент шаҳрида 635 та маиший хизмат кўрсатиш устахоналари бор эди, бу рақам ҳозир 832 тага етди. Тошкент шаҳар ижроия комитети маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг корхоналари аҳолига металл буюмлар, уст-бош, пойафзал ва галантерия буюмларини тузатиш, кийимларни тозалаш каби 22 турда хизмат кўрсатмоқдалар.

Шаҳар аҳолиси уйига бориб хизмат кўрсатиш турлари ҳам бирмунча кенгайди. Энди мебель, холодильник, телевизор каби буюмларни уйда тузаттириш мумкин, устахоналар ҳар хил кийим-кечак, асбоб-ускуналарни тузатиш учун уйдан ҳам олиб кетади.

Ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва илғор иш усулларини қўлланиш натижасида устахоналарда иш унуми ва сифати яхшиланмоқда, хизмат кўрсатиш ҳақи арзонлашаётир. Шу йилнинг 1 январидан маиший хизмат кўрсатишнинг 22 тури бўйича хизмат ҳақи 10 процентдан 43 процентгача камайтирилди.

Юқорида айтилган ижобий фактларга қарамай, ҳозирги вақтда маиший хизмат кўрсатиш даражаси аҳолининг ўсиб бораётган талабидан бирмунча орқада қолмоқда. Шаҳарда ҳунармандчилик кооперациялари тугатилиб, давлат корхоналарига айлантирилганида жамоатчилик жуда хурсанд бўлган эди. Чунки шаҳар ижроия комитети ҳузуридаги янги ташкил этилган маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси (бошлиғи ўртоқ А. Муҳамедов) ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги маҳаллий саноат Бош бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Г. Расулев) бу соҳада тартиб ўрнатиш ва аҳоли эҳтиёжларини чуқурроқ ўрганиб, зарур тадбирларни кўришга тантанали ваъда берган эдилар. Бироқ афсуски, ваъда ваъдалигича қолиб кетди, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида жиддий ўзгариш бўлгани йўқ.

Республикамизнинг тегишли партия ва совет ташкилотлари, Тошкент шаҳар партия комитети, шаҳар Советининг ижроия комитети аҳолига маиший хизмат кўрсатиш масаласини бир неча марта муҳокама қилиб, тегишли тадбирлар белгиладилар. Аммо ана шу зарур тадбирларни амалга оширишни таъминловчи ташкилот раҳбарлари бўлган Расулев ва Муҳамедов ўртоқлар қуруқ ваъдабозликдан амалий ишга ўтмаётирлар.

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари зарур моддий-техника базалари билан тўлаё таъминланган эмас. Иш унумдорлигини ошириш ҳақида кам қайғирилади. Ҳизмат кўрсатишнинг асосий турлари бўйича план йилдан-йилга бажарилмай келаётир. Масалан, ойлик планнинг бажарилиши химчистка бўйича 60 процентдан, оёқ кийим тикиш бўйича 50 процентдан, мебелларни тузатиш бўйича эса 40 процентдан ошмайди.

Аҳоли эҳтиёжини ўрганиш ва унга зарур бўлган хизмат турларини кенгайтириш соҳасида ҳам анча иш қилиш керак. Шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси ихтиёридаги 832 устахонадан 287 таси оёқ кийимларини тозалаш ва майда ремонт билан, 193 таси сартарошлик, 40 таси расм олиш билан шуғулланади. Шу уч хил хизмат кўрсатиш устахоналари барча маиший хизмат корхоналарининг 63 процентга яқинини ташкил қилади. Кийим тикиш ва тузатиш, мебель тузатиш, химчистка каби энг зарур пунктлар эса атиги 9 процентнигина ташкил қилади. Бунинг устига маиший хизмат кўрсатувчи устахоналарнинг кўпчилиги шаҳар марказига жойлашган, айрим районларда улар жуда оз.

Шаҳардаги баъзи маиший хизмат кўрсатиш корхоналари бошқа ташкилотларга тегишлидир. Масалан, якка тартибда кийим тикиб берадиган 3 та ателье республика Савдо министрлигига, 15 та сартарошхона меҳмонхона ва ҳаммомлар трестига, трикотаж ва оёқ кийим ательелари эса Халқ хўжалик кенгашининг енгил саноат бошқармасига қарашлидир. Бу корхоналарнинг ҳаммасини маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси ихтиёрига топширилса планлаштириш, ишловчиларга меҳнат ҳақи тўлаш, кўрсатилган хизмат учун бир хил миқдорда ҳақ олиш масалаларини тартибга солиш ва кадрларнинг қўнимсизлигига чек қўйиш мумкин бўлар эди. Устахоналарни малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш масаласи ҳам жуда ёмон. Шуни айтиш кифояки, 22 маиший хизмат кўрсатиш корхонасидаги бош инженерлардан фақат 3 кишигина махсус олий маълумотга ва 2 киши ўрта маълумотга эга.

Маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси ташкил қилиниб, устахоналарга раҳбарлик тартиби ўзгаргандан буён анча вақт ўтган бўлса ҳам хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, устахоналардаги ҳусусий иш қилувчилар билан кураш соҳасида деярлик ҳеч қандай янгилик бўлгани йўқ. Аҳвол ҳамон эскича. Яқинда шаҳар ва район Советлари депутатлари, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг иштирокида маиший хизмат кўрсатиш устахоналарининг бир ойлик кўриги ўтказилди. Ана шунда баъзи ходимлар томонидан ўз бурчига масъулиятсизлик билан қараш ва аҳолидан ошиқча ҳақ олиш ҳоллари борлиги аниқланди. Ленин районида фотограф Муратов, соатсоз Райзман устахонада ўз асбоблари билан ишламоқдалар. Радиомастер Какурин эса заказларни квитанциясиз қабул қилади. Киров районидаги 5-декабрь номли фабрика текширилганда 20 та устахонадан бирортасида ҳам оёқ кийимларини тузатганлиги учун 24 сўм ўрнига 40 сўм олган.

Шаҳарда хусусий устахонага эга бўлган шахслар билан кураш ҳам суст олиб борилмоқда. Биргина Куйбишев районида 99 киши хусусий кустарчилик билан шуғулланади.

Устахоналарни жиҳозлаш, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш, маданий ҳизмат кўрсатишни ҳар томонлама яхшилаб, юқорида келтирилган камчиликларни ишчанлик билан тугатиш республика Министрлар Совети ҳузуридаги маҳаллий саноат Бош бошқармаси ва шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг сира кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир.

А. РАФИҚОВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ташкилий-инструкторлик бўлимининг мудири.

ТАШАББУСКОР СТУДЕНТЛАР

Ҳар йилдагидек бу йил ҳам Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультети студентлари Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида ишлаб чиқариш практикасини муваффақиятли ўтказмоқдалар.

Учинчи курс студентлари эса шу йилнинг апрель ойидан бери совхоз бўлимларида ишлаб, гўза парваришида бевосита иштирок этмоқдалар. Бўлажак агрономлар ташаббуси билан икки трактор-далачилик бригадаси ташкил этилди. Бу бригада участкаларида гўза парваришини намунали олиб борилмоқда.

Студентлар орасида бошланган ўзаро социалистик мусобақа яхши натижа бераётир. 151 гектар ернинг ҳар гектаридан 37—40 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун курашаётган агроном М. Оқмирзаев бошлиқ биринчи бригада студентлари илғорликни қўлдан бермай келмоқдалар. Бу ишчан студентлар совхоз маъмурияти томонидан бир неча марта қимматбаҳо буюмлар билан мукофотланди.

А. АБДУҚОДИРОВ.

Маданият хроникаси

Гулистон районидаги Октябрь қишлоқ совети ҳузурида жойлашган кутубхона меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсатмоқда.

Бу ерда ҳар ойда адабий конференция ўтказиб турилади. «Ўзбек совет ёзувчиларининг янги асарлари», «В. И. Ленин ёзувчилар ижодида», «Фан ва техникамизнинг улкан ютуғи» сингари темаларда ўтказилган конференциялар айниқса қизиқарли ўтди.

Т. Икромов.

Ҳафтанинг ҳар шанба кунида Қадирия ГЭСи каскади поселкасининг клуби меҳнаткашлар билан гавжум бўлади. Улар бу ерга янги бадиий ва ҳужжатли фильмларни кўриш учун тўпланадилар.

Кейинги икки ой ичида поселка аҳолиси «181» жавоб бермайди», «Порла юлдузим», «Қилич ва гул» каби ўнга яқин фильмларни тамоша қилди.

С. Мирзалиев.

Реконструкция тугалланди

Биз, — дейди Тошкентдаги тўқимачилик-трикотаж фабрикасининг бош инженери ўртоқ М. Горошин, — трикотаж маҳсулотлари билан бир қаторда мебель буюмлари ҳам ишлаб чиқарар эдик. Маҳсулот турининг кўплиги ишимизнинг ривожига бир қадар тўсқинлик қиларди. Шунинг учун ҳам корхонамиз ихтисослаштирилиб фақат трикотаж буюмлар тайёрлайдиган бўлиб қолди.

Фабрика коллективи қисқа вақт ичида реконструкция ишларини муваффақиятли тугалладн. Эски мебель цехларн қайта ускуналаниб, тўқимачилик асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, техниканн тараққий эттиришга зўр бермоқдамиз.

Реконструкция ишларини тугаллаган фабрика коллективи янги машина ва механизмлар қувватидан янада унумли фойдаланиш ва шу йўл билан меҳнат унумдорлигини тағин ҳам ошириш учун бутун куч ва билимини сафарбар этаётир.

КИНО

ИЛЛАТ ВА ФАЗИЛАТ

Исми бор, жисми йўқ эски маҳаллада, тўғрисини айтганда ўтмишдан қолган қўшни уч хонадонда гап бошланади. Бу гап уч хонадоннинг бири — Меҳрихон аянинг ўғли Москвада ўқиётган Азимжоннинг онасига ёзган хатидан бошланади. Азимжон кексайиб фарзанд йўлига кўзи тўрт бўлиб ўтирган ойисига ғалати, мағзи чақилмайдиган хат ёзади. Хат атрофини ўраб олишган қўшнилар хатнинг «мазмунини» ўз таъбирларича ёя бошлайдилар.

— «Сюрприз»?

— Бу нима дегани экан?

Ҳар кўнгилда ҳар хил савол.

— Сюрпризи холодилникми экан?

— Балки кир ювадиган машинадир.

Янги савол, янги жавоб. Саволжавоб маҳалланинг дув-дув гапига айланади.

«Ўзбекфильм» студияси яқинда ишлаб чиқарган «Маҳаллада дув-дув гап» деган янги бадиий-комик фильм ана шу воқеалар билан бошланади.

Оҳари тўкилган эски самоварнинг зангини қум билан тозалаб ўтирган нуроний, ўйчан, муштипар кампир ҳовли рўпарасида қад кўтараётган кўп қаватли, кўркам бинонинг қадду қоматини, ўғлининг ҳали номаълум, бўлажак қайлиғини ўйлайди. Қурилишда эрмаклар билан бир қаторда хотин-қизлар ҳам ишлаб турганлиги онага аён.

Онага қани шундай бир келин бўлса, қўлида гулдай ҳунари бўлса, уста меъмор бўлса, янги бинони тиклаб тўй-томошалар билан ўша уйларнинг айвонли — болахонадор бўлагига кўчириб борса, онанинг кўкрагига шамол тегиб, умрининг қолган қисмини иззат-ҳурматда, неваралар орасида ўтказса.

Фильм авторлари кўчанинг икки чекасидаги икки хил манзарани кўрсатиш билан, эскилик қолдиқлари билан янгилик ўртасидаги жиддий тўқнашувларни бадиий ёркин ва кулгили ҳолатда намоён этишга ҳаракат қилганлар. Улар қаётда гоҳи-гоҳида учраб турадиган, лекин салбий, кулгили воқеаларни кино санъатининг ёркин, кенг имкониятли ифодаси билан фош этиб, унинг ўрнига ажойиб янгилик, жозибали гўзаллик, ёшлик ва баҳор келаётганлигини талқин эта олганлар. Фильмнинг тарбиявий томони ҳам, қиммати ҳам ана шунда.

Энди фильм воқеаларига мурожаат этайлик. Меҳрихон ая уйидан бошланган дув-дув гап фильм конфликтининг асосий ўзаги бўлиб хизмат этган.

Меҳрихон ая (кекса санъаткор, республика халқ артисти Лутфихоним Саримсоқова) ўз ўйи-орзуси билан банд. Ўғлини бинокор — архитектор қизга уйланишини истайди. Ўғлини кутади. Ўғли эса ойисига «Сюрприз» юборади. Бу сюрприз ўзининг севимли қайлиғи архитектор қиздан иборат.

Архитектор Азиза (ёш артист Раъно Мадраҳимова) Азимжоннинг мактубини олиб, ўз қайғонаси — Меҳрихон ая уйига кириб келади. Лекин ўзининг шу уйнинг келини эканлигини билдирмайди. Чунки келининнинг кеъвдан олдин уйга кириб келиши кекса хонадонда ғалати туюлиши мумкин. Она ўз уйидаги ёқимтой меҳмон қизга қараб, қани келиним сенга ўхшаган бўлса дейди. Орзиқиб кутилган фарзанд она бағрига келади. Меҳмон қиз онанинг келини бўлиши устига архитектор эканлиги маълум бўлиб, бу янгилик, қувончли воқеа маҳаллада дув-дув гап бўлади.

Бироқ Меҳрихон аянинг икки ён қўшнисида янги гап тарқалади. Бу янги гап қурилиш омбор мудири Арслон билан унинг довдир хотини Пошшо ойим уйида бошланади. Пошшо ойим ўғлини ён қўшниси Ҳалима опанинг ўнинчи синфни тамомлаган қизи Сайёрага уйланишини истайди. Ота-оналар келин-куёв билан маслаҳатлашмай келишиб қўядилар. Эскилик тарафдорлари соф муҳаббатга раҳна солишга ҳаракат қиладилар. Лекин янгилик эскилик олдида таслим бўлмайди. Арслоннинг ўғли Умар қурилишда, ўз ёнида кўпдан бери бирга ишлаб келаётган Умидани севади. Умида ҳам уни севади.

Сайёранинг эса бошқа кўнгил берган йигити бор. У — консерва заводида ишловчи йигит Маҳмўддир. Маҳмуд Сайёрани ўзига садоқатли эканлигини, лекин унинг ойиси ён қўшниси Умарни куёв қилишга тарафдор эканлигини яхши билади.

Арслон билан Пошшо ойим ўз ўғиллари Умарни Сайёрага уйлантириш тараддудини кўрадилар. Тўй-тамоша бошланиб кетади. ЗАГСга Сайёра билан бирга кетган Умар у ердан ўзи ёлғиз қайтиб келади. Тўйнинг бўзилишини кўриб довдираб қолган Пошшо ойим тўйнинг сарғу-сарполяридан, бир чиқимнинг икки чиқим бўлишидан хавфсираб, ўғлига хоҳлаган қизингни топ, ўшанга уйланасан дейди.

Фильм охирида янгилик, соф муҳаббат ғолиб келади. Азимжон Азиза билан, Умар Умида билан, Маҳмуд Сайёра билан бирга бўлишади. Эски маҳалла рўпарасидаги янги майдонда азим иморатлар қад кўтариб, улардаги бир уйга Меҳрихон ая ўғли ва келини билан кўчиб ўтадилар.

Фильмни кўздан кечирган киши ҳаётимизда ҳали учраб турадиган ўтмиш қолдиқларини пайқаб боради ва уларнинг ўрнини янгилик эгаллаб бораётганлигини очиқ-ойдин кўради.

Персонажларнинг кўп бўлишига қарамай, фильм мазмуни, персонажлар тақдири тўғри ҳал қилинган. Турли тонфадаги кишиларнинг ички дунёси ишонарли талқин этилган.

Фильм воқеалари Тошкент ҳаётидан, унинг кишилари турмушидан олинган. Сценарий авторлари О. Рамазонов, Б. Рест, режиссёр-постановкачи Ш. Аббосов, оператор В. Владиқиров билан Т. Қодировлар фильм мазмунига лойиқ деталларни талқин этишга эришганлар.

Фильм авторлари ва унда иштирок этувчилар ёш санъаткорлардир. Бу ёш кино ходимлари кенг воқеаларни ўзига қамраб олган фильмни яратишда қунт билан ижодий меҳнат қилганликлари кишини қувонтиради. Шу билан бирга фильм яратилишида тажрибали кекса санъаткорларимиз ҳам катта ижодий ҳисса қўшганлар. Ўзбекистон ССР халқ артистлари Лутфихоним Саримсоқова (Меҳрихон ая), Раззоқ Ҳамроев (Сайёранинг отаси), Марям Ёқубова (Пошшо ойим) ва Р. Пирмуҳаммедов (Арслон) роллари оригинал ва ишонарли бўёқларда тасвирланган. Шунингдек артист Икрома Болтаева ҳам Сайёранинг ойиси ролини муваффақиятли ижро этган.

Ёш артистларнинг ижросига келганда ҳам ижобий фикрдамиз. Биринчи навбатда талантли ёш санъаткор Ҳамза Умаровнинг ижодий муваффақиятини кўрсатиш керак. Ҳамза Умаров қурилишда ишлаётган кранчи Умар образини оригинал деталларда тасвирлашга эришаолган.

Фильмда қатнашган бошқа ёш артистларнинг ижодий хизматлари диққатга сазовордир. Ёш артистлар Роза Ризамуҳаммедова Умида родининг, К. Тожиев — Маҳмуд, Холида Исҳоқова Сайёра ролининг жозибали чиқиши учун ижодий меҳнат қилганлар.

Фильмда муваффақиятли чиққан томонлар билан бирга мулоҳаза келтириб чиқарадиган воқеалар ва деталлар ҳам кўзга ташланиб туради. Қурилишдаги омбор мудири Арслоннинг «балойи нафс» бандаси бўлиб қолиши, у кўринган жойда бир хил приём-овқатхўрликни ҳа деб кўрсата бериш кишиларнинг заҳарҳандасига сабаб бўлмайди. Арслоннинг ўғли Умар қурилишнинг илғор киши, актив жамоатчи комсомолдир. Бу жўшқин, жамоатчи йигит қурилиш учун жон куйдиради, лекин ўз ота-онасининг хулқ-атворини ўзгартириш учун ҳаракат қилмайди. Бу деталлар ҳам кишида мулоҳаза туғдиради. Сўнг фильмда онасига «Сюрприз» юбориб, маҳаллада дув-дув гап чиқарган Азимжоннинг характери, ўз ўрни сезилмайди. У фильмда ҳеч қандай ижобий роль ўйнамайди. Аксинча ортиқча персонаж бўлиб қолган. У келмаса ҳам маҳаллада Умар уйида тўй-томоша, янги қурилган бинога кўчиб ўтиш маросими бўлиб ўтаберади. Яна бир эътироз шуки, Тошкент майзаралари кўп кадрларда узоқдан ва тепадан бир хилда суратга олинган. Бу манзаралар фильмда бир хиллик яратган. Тошкент янгиликларини, унинг гўзал манзараларини фильм персонажлари билан биргаликда, уларни кўрсатиш фонида суратга олинганда, воқеабанд ва таъсирли чиққан бўларди.

Фильм авторлари дастлабки муваффақиятлар билан хотиржам бўлмай, талабчан, юксак дидли тамошабинларни ҳаяжонлантирадиган, уларга илҳом ва таълим берадиган янги кино полотноларини яратишга бел боғлайдилар деб ишонамиз.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ.

СОЦИАЛИЗМ ҚУРАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА

АЛБАНИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА

ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

Албанияда озиқ-овқат саноати корхоналари сони кўпайиб бормоқда. Тиранада қурилаётган 20- йирик озиқ-овқат комбинатида пиво пиширадиган завод бу йил ишга туширилади. Шинядаги крахмал заводининг қурилиши ҳам бу йил битказилади. Узумчилик, боғдорчилик ва зайтун дарахтзорларининг сезиларли даражада кенгайтирилиши муносабати билан 10 та виночилик заводи ва сабзавот ҳамда мевалардан консерва тайёрлайдиган фабрикани фойдаланишга топшириш мўлжалланади. Малинда янги ароқ заводи ишлай бошлайди. Шунингдек мой ишлаб чиқарувчи бир қатор корхоналар ҳам қурилади.

Яқинда Эльбасанда мебель фабрикаси қурилиши бошланди. Фабрика ишга туширилгандан кейин ҳар йили камн билан 60 минг ға яқин буюм ишлаб чиқаради. Бу фабрика учун асбоб-ускуналарни Совет Иттифоқи етказиб беради. Корхона келгуси йил бошларида ишга туширилади.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ СОҒЛИГИНИ САҚЛАШ УЧУН

Тиранада янги марказий поликлиника биноси қурилмоқда. Унда 11 бўлим бўлади. Бу йил мамлакатда янгидан 11 та медицина муассасаси очиш кўзда тутилган, ваҳоланки 1938 йилда ўшанчагина медицина муассасаси бор эди. Ҳозир Албанияда юзларча касалхона, поликлиника, амбулатория бор. Фақат қишлоқларнинг ўзидагина 500 дан ортиқ медицина пунктлари ишлаб турибди.

ЯНГИЧА ТУРМУШ КЕЧИРМОҚДАЛАР

Денгиз яқинидаги Влори шаҳрининг ғарбида юзларча гектар ер пастекисликдан иборат. Бу водининг шимолий қисми қуюқ дарахтзор билан қопланган. Ана шу ерда Нарта деб аталувчи жойнинг дастлабки уйлари учрайди. Унинг шарқ томонида эса зайтун дарахтзорлари, узумзор ва мева боғлари кўринади.

Нартанинг қадимги аҳолиси: «Зайтунзорда яшасак ҳам, бўйчи белбоққа ёлчимас деганларидек, ёққа ёлчимаймиз. Узум ўстирамиз-ку, мусалласини ичолмаймиз» деб юришарди.

Нарта деҳқонлари халқ ҳокимияти қурилгандан кейин ўз ўлкаси бойликларининг ҳақиқий эгалари бўлиб қолдилар. Улар янги боғлар, узумзорлар ва зайтун дарахтзорлари барпо этдилар. Тўрмушлари кундан-кунга яхшиланиб бормоқда. Қишлоқ аҳолиси 1956 йилда қишлоқ хўжалик кооперативи ташкил қилдилар. Ҳозирги вақтда бу кооперативда 800 дан ортиқ киши ишлайди.

Ўтмишда кичик ерга жойлашган Нартанинг қиёфаси ҳозир таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Бу ерда илгари жойлашган кичик пастқам кулбалар ўрнида ҳозир электр нурлари киритилган янги уйлар қурилган. Тўлиқсиз ўрта мактаб, медицина пункти, клуб, магазин очилди. Кейинги йиллар ичида Нартанинг йнгит-қизларидан 90 таси ўрта ва олий маълумот олди.

Кооператив хўжалигининг аъзолари ўч ярим йил ичида зайтун дарахти экилган ерларни ва узумзорларни кескин ошириб юбордилар. Хўжаликда сутчилик фермаси, қўйларнинг йирик подаси бор, хўжалик учун зарурий бинолар қурилган. Бу ерда экиладиган экинларнинг ҳосилдорлиги бирмунча ошди. Илгари ҳар гектар ердан фақат 60 центнердан ҳосил берган соҳибкорлар ҳозирги кунда ҳар гектар ердан 100 центнердан ортиқ узум топширмоқдалар. Аввалги 10 килограмм ўрнига ҳар бир туп зайтун дарахтидан 30 килограммдан ҳосил йиғиб олинаётир.

Нарти кооператорлари яқин келажакда кенг истиқболларга эга бўлади. Учинчи беш йиллик план проектида мевали дарахтлар сонини икки баравар ошириш белгиланган. Бу ерга ғишт заводи, шунингдек вино ишлаб чиқарадиган фабрика қурилади.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Албания қишлоқ хўжалик министрлиги республика меҳнаткашлари зайтун дарахтлари ўтказиш бўйича белгиланган иккинчи беш йиллик планни муддатидан илгари бажарганликларини хабар қилди. Улар 1956 йилдан бери 3.023 минг тупдан ортиқ зайтун дарахти кўчатлари ўтказганлар, ёшлар дарахтнинг бу хилини ўтказишда қишлоқ меҳнаткашларига катта ёрдам бердилар. (ТАСС).

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
3-БЕТ, 24 АВГУСТ, 1960 ЙИЛ.

Инсоният космосни бўйсиндираётган совет кишиларининг янги ғалабасини олқишламоқда

Совет космик йўлдош-кемасининг учиши муваффақиятли тугалланганлиги тўғрисида чет элларда баён қилинган фикрлар

Иккинчи совет космик йўлдош-кемаси бир кечаю-кундузга мўлжалланган тадқиқот программаси бажарилганидан кейин Ердан берилган командага мувофиқ, тажриба учун учирилган жониворлар билан бирга ўз орбитасидан ерга тушди. Совет фани ва техникасининг мисли-сиз янги муваффақиятя тўғрисидаги ана шу қувончли хабар яшин тезлигида бутун дунёга ёйилди. Инсоният космосни бўйсиндираётган совет кишиларининг янги ғалабасини олқишламоқда.

ХИТОЙ

Хитойда чиқадиган «Женьминь жибао» газетаси «Фазога учишда буюк ташаббус» сарлавҳали мақоласида қуйидагиларни айтади: Хитой халқи совет халқини, олимларни ва инженер-техник ходимларни янги буюк муваффақият билан қизғин табриклайди. Совет Иттифоқида, дейилади мақолада, биринчи сунъий йўлдош учирилган пайтдан бошлаб ҳозирги вақтгача сал кам уч йил ўтди, аммо ана шу қисқа давр мобайнида Совет Иттифоқи фазога учишлар соҳасидаги тадқиқотларни ғоят тез ривожлантиришга муваффақ бўлди. Совет Иттифоқи шу йилнинг ўзидагина баллистик ракеталарни Тинч океан районига икки марта учирди ва икки космик кемани учирди. Совет олимлари ва инженер-техник ходимларининг жуда катта ғайрати одамнинг планеталараро учишига йўл очиб берди. Совет Иттифоқи космик учишларни тадқиқ этиш соҳасида АҚШни тобора орқада қолдириб, ғоят тараққий этди.

Совет фани ва техникасининг янги муваффақияти, деб таъкидлайди газета, социалистик тузумнинг бениҳоя устун эканлигини намойиш қилди.

Хитойнинг атоқли олимлари совет космик кемасининг омон-эсон ерга қайтиб тушганлигини қизғин табрикламоқдалар, бу воқеага жаҳон фанига қўшилган жуда катта ҳисса деб баҳо бермоқдалар. Механика соҳасида иш олиб борувчи йирик мутахассис Цянь Сюе-сен кеманинг ерга қўнишини инсоннинг фазони эгаллаш йўлидаги янги давр, деб атайди. Геофизик Чжао Цзю-чжан айтдики, космик кемани ерга қайтариб тушириш жуда мураккаб ва жуда қийин вазифадир. Лекин шунга қарамай, совет олимлари бу проблемани муваффақиятли суратда ҳал этдилар. Совет Иттифоқи ракеталарнинг учишини бошқаришда, орбитани жуда тез ва аниқ ҳисоблаб чиқаришда жадал суръатлар билан илгари силжиб, Қўшма Штатларни жуда орқада қолдирди.

БОЛГАРИЯ

Болгария меҳнаткашлари Совет Иттифоқи космосни эгаллашда биринчиликни ўз қўлида маҳкам ушлаб турганлигидан астойдил хурсанд эканликларини билдирмоқдалар. «Работническо дело» ва «Народна младеж» газеталари совет фани ва техникасининг янги муваффақияти тўғрисидаги материалларни қарийб икки саҳифада қуйидаги сарлавҳалар билан босиб чиқардилар. «Бутун дунё СССР нинг эришган ажойиб ғалабаси олдида шодлик билан таъзим қилмоқда», «Совет Иттифоқининг тантанаси — социализм тантанасидир», «Совет кишиси космосга учиш тайёргарлигини кўрмоқда».

«Работническо дело» газетаси бош мақоласида бундай деб ёзади: Одамнинг космосга учиши жуда яқинлашиб қолди. Одамлар фазонинг сирини биринчи бўлиб билиб олган, коинотнинг синаб кўрилмаган йўлларини очиб берган совет кишисидан доим чин қалбдан миннатдор бўладилар. Болгария халқи, деб ёзади газета, ўзининг жонажон оғаси — совет халқи тарихий ғалабаларга эришаётганлигидан хурсанддир.

Академик Любен Чакалов «Работническо дело» газетасида қуйидагиларни ёзади: Дунёда биринчи социалистик мамлакат фан ва техника соҳасида ҳам биринчи мамлакат эканлиги ҳаммага, шунингдек социализм душманларига ҳам аён бўлиб қолди. Совет космик кемасида одамнинг биринчи марта фазога учиш пайти яқин қолди. Бу, ялпи қирғин қуроли билан ва экипаж учун заҳар қуйилган тўпгончилар билан эмас, балки омон-эсон ерга қайтиб тушишни таъминлайдиган аниқ ишловчи приборлар билан жиҳозланган кема бўлади.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ

Совет Иттифоқида мисли кўрилмаган илмий тажрибанинг муваффақиятли тугалланганлиги Чехословакия газеталарининг диққат марказида турибди. «Руде право» газетаси совет халқининг янги ғалабасини шарҳлаб ёзада: Бу совет фанининг тантанаси бўлибгина қолмай, балки тинчлик ишининг ҳам ғалабасидир. Бу ғалаба тинч ижодий меҳнат аҳлига тинч-осойишта бўлиб, ишингизни давом эттира беринг-из! демоқда. Бу ғалаба тинчликнинг ва халқлар эркинлигининг душманларини яна огоҳлантириб, ер юзида кучлар нисбатининг ўзгариши улар фойдасига бўлмаганлигини уларнинг эсига солиб ўтмоқда. Бир вақтлар жуда дадил фикр юритган кишиларгина ишонган ва ҳали яқиндагина буюк шоирларнинг фантазияси бўлган ишлар ҳозирги кунда рўёбга чиқди, турмушимиздан жой олди. Совет фани, социализм ғалаба қилган мамлакат фани шундай қаҳрамонлик кўрсатганлигини эсдан чиқариш мумкин эмас. Совет олимлари ва совет кишиларининг юлдузларга очаётган ана шу йўли айни вақтда ер юзида бахтли ҳаётга, тинчликка олиб бораётган йўлдир.

Газета мақоланинг охирида ёзади: Космик кема осмонимизда фақат бир неча нур сочиб турди. Аммо у ҳаммамизга жуда катта қувонч ва зўр ишонч бағишлади! Коммунизм қураётган совет кишиларига шон-шарафлар бўлсин, уларнинг улуғ Ватанига шон-шарафлар бўлсин, голиб Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар бўлсин!

КОРЕЯ

Кореяда чиқадиган «Нодон синмун» газетаси бош мақоласида бундай деб ёзади: «Совет фани яна бир қаҳрамонлик кўрсатди. Бу қаҳрамонлик жаҳон фанини ривожлантиришдагина эмас, инсониятнинг бутун тарихида ҳам сўнмас қаҳрамонликдир». Газета одамнинг фазога учиши билан боғлиқ бўлган асосий масалаларнинг кўпи энди-ликда ҳал этилди, деб кўрсатади. Одам планеталараро бўшлиққа қараб йўл олиб, Ойга ва бошқа планеталарга саёҳат қила оладиган пайт келди. Туш каби ана шу ҳаёл, бу мардонавор фантазия улуғ совет халқининг қаҳрамонлиги туфайли реал бир нарса бўлиб қолди. Совет халқи КПСС раҳбарлигида коммунизм қурилишини кенг авж олдириш даврига қадам қўйди.

ВЬЕТНАМ

Вьетнамда чиқадиган «Нян зан» газетаси иккинчи совет космик кемасининг ерга омон-эсон қайтиб тушишлигини тўғрисидаги хабарларни «Ажойиб муваффақият», «Жаҳон фанига қўшилган жуда катта ҳисса» деган сарлавҳалар остида босиб чиқарди. Совет фанининг янги муваффақияти, деб ёзади газета, киши космосга бемалол чиқиб, ерга қайтиб туша оладиган кун яқин қолганлигини кўрсатади. «Нян зан» газетаси биринчи йўлдош учирилгандан кейин сал кам уч йил ўтганлигини, Совет Иттифоқи эса космос устидан галаба қозониш йўлидан изчиллик билан ва муваффақиятли суратда борганлигини, социализм ва коммунизм фан соҳасидаги ўз муваффақиятлари билан ўз системасининг устинлигини намойиш қилиб исбот этганлигини эслатиб ўтади.

ЛИВАН

Ливан газеталари ТАСС ахборотини биринчи саҳифада йирик сарлавҳалар билан эълон қилди. Ана шу сарлавҳалардан баъзиларини келтириб ўтамиз: «Совет фани ва техникасининг тарихий ғалабаси» («Аннидо» газетаси), «Руслар одамни космосга юбориш ва уни ерга тушириш проблемасини муваффақиятли ҳал этдилар» («Алжарида» газетаси), «Руслар коинот дарвозасини очмоқдалар, одамнинг космосга бориши учун йўл очиқ» («Аннахр» газетаси), «Руслар бутун дунёни ҳайратда қолдирган тарихий воқеа. Кема кўрсатилган нуқтадан атиги 10 километр нарига қўнди» («Аланувар» газетаси). Ливаннинг кўп газеталари ТАСС ахборотини олишлари билан биринчи саҳифаларини қайтадан верстка қилдилар ва ТАСС ахборотини кўзга кўринарли жойларда босиб чиқардилар.

ҲИНДИСТОН

Деҳлидаги етакчи газеталарнинг ҳаммаси совет фанининг буюк муваффақияти тўғрисидаги хабарни биринчи саҳифаларда босиб чиқардилар. Энг йирик марказий газеталарнинг бири—«Стейтсмен» ТАСС ахборотининг батафсил баёнини биринчи саҳифада қуйидаги йирик сарлавҳа билан босиб чиқарди: «Космик кема ерга қайтиб тушди, кеманинг бортида бўлган жониворларнинг ҳаммаси соғ-саломат, кема мўлжалдан 6 миля нарига бориб тушди. Бу—Совет Иттифоқининг катта ғалабаси». Газета космик бўшликка учирилганидан кейин жониворларнинг ерга қайтиб тушиши тарихда биринчи воқеа эканлигини таъкидлайди.

АҚШ

Америка телеграф агентликлари Совет Иттифоқида космик кема ва жониворлар турган капсула омон-эсон ерга қўнганлиги тўғрисидаги ахборотни Москвадан хабар олинишидан кейин бир неча минут ўтмасданоқ «молния» белгиси билан тарқатдилар. Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлигининг мухбири ўз хабарида «одам жониворларни биринчи марта орбитага чиқариб, ерга туширди» деб таъкидлайди. Рус олимлари, дейилади хабарда, космосдан учиб ўтган нисбатан кичик капсула билан мўлжалга тўғри бориб етдилар. Бу хабарда америкаликлар икки—уч ҳафта кейин Ванденберг базасидан учирмоқчи бўлган йўлдош бортида жониворлар бўлмаса керак, дейилади.

ФРАНЦИЯ

Францияда якшанба кунги радио ва телевидение эшиттиришлари «Ажойиб янгилик», «Тарихий кун», «Афсонавий янгилик» деган сўзлар билан бошланди. Бу эшиттиришларда жониворлар тарихда биринчи марта совет йўлдош-кема бортида фазони саёҳат қилиб ерга омон-эсон қайтиб тушганлиги миллионларча кишиларга маълум қилинди. Телетамошабинлар тарихий саёҳатдан қайтиб келган «Стрелка» ва «Белка» номли итларни экранларда кўрдилар. ТАСС ахборотини телевидение орқали баён қилиб берган обзорчи Совет Иттифоқи «космик кемадаги ўринни одам эгаллайдиган пайт томон жуда муҳим қадам қўйди» деб таъкидлади.

АНГЛИЯ

Англияда чиқадиган «Дейли мейл» газетаси редакцион мақоласида бундай деб ёзади: Ҳозирги вақтда «руслар шубҳасиз, шон-шуҳрат қозондилар. Улар жониворларни ер атрофида орбитага чиқаргандан кейин ерга туширib, ҳайратда қолдирлик катта муваффақиятларга эришдилар. Эндиликда, дейилади мақолада, одам учирилади ва бу воқеа анча тез рўй беради, чунки жониворлар учун космосда бўлган говлар бартараф қилинди ва жониворларни ерга қайтариш проблемаси ҳал этилди». Газета космик кема мўлжалланган жойга «ғоят аниқ» тушганлигини таъкидлаб: «Биз бу сафар ҳам руслар олдида таъзим қиламиз» деб хитоб қилади.

Совет халқининг космосни эгаллаш соҳасидаги янги муваффақиятлари тўғрисида ҳозирги кунда Польша, Венгрия, Индонезия, Куба, Афғонистон, Финляндияда — дунёнинг ҳамма мамлакатларида зўр хурсандчилик билан гапирмоқдалар ва ёзмоқдалар. (ТАСС).

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ



Суратда: солистка Маҳбуба Мансурова халқ чолғу асбоблари жўрлигида «Ўзбекистоним» қўшиғини айтмоқда. М. Нуриддинов фотоси.

ҚЎҚОНЛИК САНЪАТКОРЛАР

Қадимдан санъат ва адабиёт мухлислари маркази бўлган, кўплаб таниқли артист ва бастакорлар етиштириб келаётган Қўқон шаҳри ҳозирги вақтда ҳам бир неча кучли ижодий коллективларга эга. Қўқон шаҳар Ҳамза номли ўзбек давлат музикали драма театри артистлари ана шундай коллективлардан бири. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Муроджон Аҳмедов бошчилигида ойтахтимизга гастролга келган бу театрнинг бир гуруҳ санъаткорлари катта программада ўзбек куйларидан концерт кўрсатишмоқда.

Қўқонлик санъаткорлар концертида оригинал номерлар — янги ашулалар жуда кўп. Шуниси қувончлики, уларнинг деярлик ҳаммаси коллективнинг музика раҳбари бўлган Собиржон Очилдиевнинг қўқонлик маҳаллий авторлар билан ҳамкорликдаги ижодидир. Композиторнинг кўпгина ашулалари муваффақиятли чиққан. Республика радиоси бу янги ашулаларни ёзиб олиб, кенг тингловчиларга етказса арзийди.

Коллективнинг ёш талантлари тамошабинни хурсанд қилади. Жумладан, найчи Маҳмуджон Жўраев ижро этган «Шафоат» куйи, Ўғилхон Содиқова айтган «Кашта» лапари, Фариджахон Қориева бажарган рақсларни тамошабинлар кучли олқишлар билан қарши олаётирлар. Раққоса Сабохон Носирова ўйинлари ойтахт тамошабинларига айниқса манзур бўлаётир. У «Пилла», «Тановар», «Андижон полкаси» рақсларини берилиб, чиройли ижро этади.

Эфирдан ҳаммага таниш бўлган Маҳбуба Мансурова ёқимли овозга эга. Солистка репертуаридаги «Ўзбекистоним», «Жамолинг соғиниб» ашулалари мақтовга сазовор ҳисобланади. Лекин бу артистқага ашулани муносиб ҳаракатлар билан жонлироқ айтсин, деган истагимиз бор.

Артист Умаржон Усмонов «Муштум» материаллари асосида жуда яхши оригинал номерлар тайёрлаган. Умаржон Усмонов «Ичмайман ароқни», «Ноз ўзгача, ситам бўлакча», «Бир косибга иш берсам» каби бир неча ҳажвий шеърларни куйга солиб айтади. Бу номерларнинг ҳар бири актуаллиги, турмушда учраб турадиган ёмон иллатларга қарши қаратилганлиги ва пухталиги билан тамошабинга ғоят маъқул тушади. Артист мимикасида комик элементлар кучли. Унинг ютуғи шундаки, ашулани ҳам таъсирли айтади, ўйинни ҳам боплайди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муроджон Аҳмедов ва Мамадали Аъзамовлар ҳам кўпгина янги ашулаларни ўрганиб, тошкентлик тамошабинларга муносиб туҳфа билан келишган.

С. МУСАЕВ.

Об-ҳаво қандай бўлади?

Бугун кундузи Тошкент шаҳри ва Тошкент областида ҳавонинг очиқ бўлиши кутилади. Эрталаб Тошкентда 15—17 даража, кундузи 32—34 даража, Тошкент областида эса эрталаб 15 — 20 даража, кундузи 30—35 даража иссиқ бўлади.

Янги техника кабинети

Яқинда Тошкент тўқимачилик комбинати ҳузурида техника кабинети очилди. Унда керакли адабиётлар ва кўргазмали қўлланмалар истаганча топилади. Тажрибали мутахассислар деярлик ҳар куни консультация ўтказиб туришибди.

Бундан ташқари техника кабинетида конструкторлик бюроси ҳам ташкил қилинди. Унинг вазифаси рационализатор ва ихтирочиларга маслаҳатлар бериш, техника янгиликларини жорий этишда ҳамкорлик кўрсатишдир.

Т. ҚОЗОҚБОЕВ.

Уч ойлик курс

Республика ҳалқ ижоди уйи ҳузурида қишлоқ ҳаваскорлик тўгараклари раҳбарларини тайёрловчи уч ойлик курс ташкил этилди. Ҳозир курсда республикамиз областларидан келган 25 киши ўқимоқда.

Курсантларга ўзбек халқ музикаси тарихи, музика назариясидан лекциялар ўқилмоқда. Хор ва ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри билан ишлаш қоида ва йўлларини ҳам ўргатилади.

Машғулотларни ўтказиш учун Тошкент Давлат консерваториясининг тажрибали педагоглари, филармония солистлари ва композиторлар жалб қилинди.

Мазкур курс тингловчилари келгусида бадиий ҳаваскорлик тўгракларига раҳбарлик қиладилар.

Т. ОДИЛБЕКОВ.

Телевизор экранида

24 АВГУСТДА

19.30. Мактаб ўқувчилари учун «Қизил галстук» журнали.

20.00. «Завод ошхонасида». Рус тилида репортаж.

20.20. Сўнгги ахборот.

20.40. «Грюнвальд сабоқлари» — ҳужжатли фильм.

21.00. Ёшлар учун рус тилида топишмоқли концерт.

21.35. «Сўнгги кун, биринчи кун» — киноповесть.

25 АВГУСТДА

19.30. Мактабгача ёшдаги болалар учун рус тилида «Мактаб остонасида» деган эшиттириш.

20.00. Сўнгги ахборот.

20.20. «Атоқли ихтирочи». Саноат ходимлари учун ўзбек тилида эшиттириш.

20.35. «Яша Топорков» — ўзбек тилида бадиий фильм.

22.05. «Севимли кино артистлари» циклидан рус тилида Александр Борисов ижодига бағишланган эшиттириш.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТОШКЕНТНИНГ тамоша заларида

Маҳаллада дув-дув гап — қишки «ВАТАН» (эрталаб соат 10-20 минут, кундуз 12, 2 ва кеч 8 да), «МИР», «ЎЗБЕКИСТОН» (рус тилида кундуз ва кечқурун), қишки НАВОИЙ номли (ўзбек тилида кундуз ва кечқурун), ёзги «ВАТАН» (кеч 9 ва 10-40 минутда), «УДАРНИК» (кеч 9 ва 10-45 минутда) — рус тилида. ёзги НАВОИЙ номли (кеч 8-40 ва 10-20 минутда) — ўзбек тилида.

12 қиз ва 1 эркак — «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 9 ва 10-45 минутда, КАФАНОВ номли (кеч 8-50 минутда), ТЕЛЬМАН номли (кеч 8 яримда), ПУШКИН номли (кеч 9 да).

Катта вальс — қишки «ВАТАН» (кундуз соат 4, кеч 6 ва 10 да), «ИСКРА» (кеч 9-10 минутда).

Жонимизни қутқаринг — «СПУТНИК» (кундуз соат 5, кеч 6, 7, 8 ва 10 да), «ПОБЕДА» (кеч 9 ва 10-45 минутда).

Синдбоднинг еттинчи саёҳати — КАФАНОВ номли (кеч соат 10 яримда).

Баҳор момақалдироқлари — «ИСКРА» (кундуз соат 4 ярим ва кеч 10-50 минутда).

Душман гирдоби — «ОКТЯБРЬ» (кеч соат 9 ва 10-40 минутда).

Жиноятчилар иши (кеч соат 8 яримда). **Кичик дўстим** (кеч 10 да) — СТЕПАН РАЗИН номли.

Тошкент шаҳар, Стрелковая кўча, 11-уйда турувчи **Ганна Семёновна Римарнинг** Москва шаҳар, Фрунзе район, Ружейний переулок, 5-уй, 2-квартирада турувчи Семён Александрович Ройхмандан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Ленин район халқ судида кўрилади.

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА

24 августда

ҲАМЗА НОМЛИ ҚЎҚОН ШАҲАР ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ДРАМА ТЕАТРИНИНГ

2 бўлимда

концерти

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Муроджон Аҳмедов ва театрнинг энг яхши кучлари қатнашади.

Программада: спектакллардан парчалар, ашула ва рақслар; классик ва совет куйлари ва яллалар.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Касса кундуз соат 4 дан очилади.

«ТАШГАЗАППАРАТ» ЗАВОДИГА

ускуна ремонт қилувчи слесарлар, токарлар, қолипчилар, заливщичилар, конструкторлар, технологлар, мастерлар, ёрдамчи ишчилар

керак

Заводнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин

Адрес: К. Маркс кўчаси, 83-уй (4- трамвай, 10- автобус, 5- троллейбуснинг «Жуковский» остановкаси). Телефон—38-345.

К. Е. ВОРОШИЛОВ НОМЛИ «ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА

йиғувчи слесарлар, токарлар, фрезерчилар, электросваркачилар, юкчилар, ёрдамчи ишчилар, бензорезчиклар, уборщицалар

керак

Сельмаш кўчаси, 2-уйда заводнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (4-трамвайнинг «ТашМИ», 8,16-автобусининг «Сельмаш» остановкаси).

Жаҳон спортининг энг катта кўриги

Эртага кўҳна Римда спорт тарихида энг катта мусобақалар — XVII Олимпия ўйинлари бошланади. Шаҳарда традицион олимпия машъали ёқилади.

ТАРИХДАН БИР ШИНГИЛ

Олимпия ўйинлари ўзининг ажойиб тарихига эга. Бундан жуда кўп асрлар илгари Грецияда ҳар хил спорт турлари бўйича ўйинлар ўтказиш одати бўлган. Зевс ибодатхонаси жойлашган муқаддас ўрмон яқинидаги Олимпияда ўтказилган ўйинлар айниқса халқ орасида кенг тарқалган. Ўйинларда турли давлат вакиллари иштирок этганлар. Мусобақалар вақтида ҳар қандай уруш-жанжал тўхтатилиб, «муқаддас тинчлик» ўрнатилар эди. Ана шу «муқаддас тинчлик»ни бузган томон қаттиқ жазоланган.

Бундан 16 аср муқаддам рим императорлари бу традицияни маъжусийлар байрами деб, спорт ўйинларини таъқиқлаб қўйганлар. XIX аср охирига келиб, француз педагоги Пьер де Кубертен халқлар ўртасида дўстлик ва тинчликдек олийжаноб ғояни олга сурадиган бу традицияни яна тиритлиришни таклиф этади.

Ҳозирги замон циклидаги биринчи Олимпия ўйинлари 1896 йилда Афинада ўтказилади. Унинг эмблемаси — бир-бири билан ўралган бешта ҳалқа бешта қитъа: Америка, Европа, Осиё, Африка ва Австралия бирлигини символик тарзда ифода этган.

Орадан йиллар ўтиб, Олимпия ўйинлари бутун дунё спортчиларининг энг оммавий мусобақаларидан бирига айланиб қолди. Олимпия ўйинлари кабиса йили (ҳар тўрт йилда. февраль ойи 28 кун эмас, балки 29 кун келадиган йил) да ўтказилади ва у спортнинг асосий турларини ўз ичига олади.

Совет спортчилари биринчи марта 1952 йилда Хельсинкида ўтказилган XV Олимпия ўйинларида қатнашдилар. Улар бунда бир неча спорт турлари бўйича ғолиб чиқиб, шу пайтгача ўзига тенглашадиган рақибга дуч келмаган америка спортчиларининг муҳолифлари бўлдилар. XV Олимпия ўйинлари машъали ўчгач, америка ва совет командаларининг баравар очко олганликлари маълум бўлди.

1956 йилда Мельбурнда ўтказилган XVI Олимпия ўйинидан совет командаси ўз Ватанига 37 олтин, 29 та кумуш ва 32 та бронза медали олиб келди.

Олимпия ўйинлари фақатгина спорт соҳасидаги муваффақиятлар кўригигина эмас. У бутун дунё ёшларининг ўзаро тинч-тотув яшаш, дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва урушга қарши актив курашга бўлган буюк интилишини, букулмас иродасини намойиш қилади.

ЗАБАРДАСТ КОМАНДА

Бўлажак Олимпия ўйинларида совет спортчилари футбол ва ўт устида хоккейдан ташқари олимпиада программасидаги ҳамма спорт турлари бўйича мусобақалашадилар.

Римга борган совет командаси 300 кишидан ортиқдир. Шундан тахминан 200 киши Олимпиадада биринчи марта қатнашади. Команда состави ўн беш иттифоқчи республика спортчиларидан бўлиб, 23 миллатнинг вакилларидир. Улар СССРнинг 53 та шаҳаридан танлаб олинган.

Совет командасининг қандай ташкил топгани ҳаммани ҳам қизиқтиради. Икки йил муқадам олимпиада командасига кандидатлар танлаш учун мамлакатда конкурс эълон қилинган эди. Ҳар бир спортчига конкурсда қатнашиш ва белгиланган нормативни бажариб, олимпиада кандидати бўлиш имконияти яратиб берилди. Натижада СССР да 900 киши олимпия нормативларини бажарди. Ана шулар орасидан танлаб олинган энг маҳоратли спортчилар Римда совет спорти шарафи учун курашадилар.

Дунёга машҳур спортчилар — Василий Руденко, Петр Болотников, Юрий Тюкалов, Игорь Новиков, Трофим Ломакин, Юрий Власов, Лариса Латинина, Эльвира Озолина ва бошқалар XVII Олимпия ўйинларида қатнашадиган совет терма командаси составига киритилганлар.

Совет спортчилари Римга тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик ҳис-туйғуларини олиб бордилар. Улар мусобақаларда қандай натижага эришмасинлар бутун ирода кучлари ва қалб ҳарорати билан спортчиларнинг олимпия дўстлигини мустаҳкамлашга ҳаракат қиладилар.

РИМДАГИ КАТТА ТАРАДДУД

Римда олимпиада қатнашчиларини муносиб кутиб олиш учун жуда катта тайёргарлик олиб борилди. Стадионлар, бассейнлар, велотрек, спорт заллари катта спорт мусобақаларига тахт қилиб қўйилди. Ташкилот комитети бу спорт базаларини халқаро нормаларга мослаштириш учун катта ишларни қилди. Янгидан қурилган бир қисм спорт иншоотлари ўзининг архитектураси ва қурилиш техникасининг оригиналлиги, содда ва мукаммаллиги билан ажралиб туради. Ташкилот комитети олимпия комплекслари қурилиши учун Италия ҳукумати ёрдамисиз ўз ҳиссасидан 18 миллиард лир сарфлади.

Римдаги XVII Олимпия ўйинларида 87 мамлакатдан 7 мингдан ортиқ спортчи қатнашади.

Чет эллик спортчиларга италиялик таржимонлар ҳамроҳ бўладилар. Бунинг учун 400 таржимон тайёрланган. Деярлик ҳамма таржимонлар энг камида учта тилни билишади. Эльма Пауле исмли таржимон эса арабча билан бирга 13 та тилда гаплашаолади.

Римда спортчилардан ташқари жуда кўп тамошабинларни қутиб олишга ҳам катта ҳозирлик кўрилмоқда. Ўйинлар давом этаётганда бу шаҳарга ҳар куни 100 минг турист келиши кутилмоқда. Уларни Ўртаер денгизи қирғоғига 1500 самолёт, 44 та ҳалқаро поезд ва минглаб автомашиналар олиб келади. Олимпия ўйинларининг тантанали очилиши ва ёпилиш маросимлари учун билетлар бундан бир ой илгариёқ сотилиб бўлди.

* * *

Олимпия ўйинлари Европа телевидениеси орқали олиб кўрсатилади. Бунинг учун телевизион эшиттиришлар программасидан 60 соат ажратилган.

Бўлажак XVII Олимпия ўйинлари беш қитъада яшовчи ёшларни бир-бирига янада яқинлаштиради. Жаҳон спорт тарихида энг катта бўлган бу мусобақада қайси мамлакат спортчилари қандай натижага эришишидан қатъий назар, у бутун дунёда дўстлик, биродарлик ва тинчлик ишини мустаҳкамлашга улкан ҳисса бўлиб қўшиладилар.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг АДРЕСИ

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали. Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Секретариат — 34808, 115, Эълонлар бўлими — 28142.

Р 10067. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А. 1863